

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Меҳнат —  
роҳатнинг  
пойдевори.

Ўзбек халқ мақоли

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР  
МАСКАНИ

Тиббий хизмат сифатининг ошиши кўп жиҳатдан соҳа ходимларининг касб маҳорати, билим ва тажрибасига боғлиқ. Айниқса, қишлоқ жойлардаги тиббий муассасаларни ана шундай малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фарғона вилояти Бувайда тиббиёт коллежида тўрт йўналиш бўйича тиббий мутахассислар тайёрланаётир. Замонавий қиёфа касб этган, зарур жиҳозлар билан таъминланган коллежда ўқувчи-ёшлар назария ва амалиётни уйғун ҳолда олиб бориш, давлат таълим стандартлари асосида билим олиш имконига эга.

Мазкур коллежни битирган ўрта махсус маълумотли тибби-




2010-yil —  
Barkamol  
avlod yili

ёт ходимлари асосан қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббий муассасаларида фаолият кўрсатмоқда.

Суратларда Бувайда тиббиёт коллежининг ўқув биноси ва машғулотларидан жараёнлар акс этган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ДИҚҚАТ, ОБУНА!

“Ma'rifat” газетасига  
2011 йил учун обуна давом  
этмоқда.

Азиз муштарийлар!

“Ma'rifat” саҳифалари

орқали таълим-тарбия соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар натижалари, тизимда олиб бориладиган кенг кўламли янгиликлар, ўқитувчилар фаолиятини, бевосита таълим-тарбия самарадорлигини янада оширишга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқилаётган янги меъриё-ҳуқуқий, методик ҳужжатлар билан тезкор равишда хабардор бўлишни истасангиз, ушбу нашрга 2011 йил учун обуна бўлинг. Обунани “Матбуот тарқатувчи” ҳамда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичи — 150.

МУСИҚА ВА САНЪАТ  
МАКТАБЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 13-болалар musiқа ва санъат мактаби замонавий қиёфа касб этди.

Мактабнинг барча қулайликларга эга янги биносини қуриш учун бир ярим миллиард сўмдан ортиқ маблағ

сарфланди. Қурилиш-пардозлаш ишлари “Мармар” хусусий корхонаси томонидан амалга оширилди. Бу ерда машғулотлар ўтишга мослаштирилган кенг ва ёруғ хоналардан ташқари спорт ва кон-

церт заллари ҳам барпо этилди.

— Жорий йилда Термиз шаҳридаги 2-, Қумқўрғон туманидаги 11-болалар musiқа ва санъат мактаблари ҳам реконструкция қилинди, — дейди Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бўлим

бошлиғи Нодира Иброҳимова. — Мазкур санъат мактабларида ёшларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш учун барча шароит яратилди.

Маълумотларга кўра, вилоятда 16та болалар musiқа ва санъат мактаби мавжуд. 2011 йили Бойсун ва Сароисиё туманларидаги болалар musiқа ва санъат мактабларини янгидан қуриш, Жарқўрғон ва Денов туманларидаги шу йўналишга ихтисослашган таълим муассасаларини капитал реконструкция қилиш режалаштирилган.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА

КОМПЬЮТЕРДАН  
ФОЙДАЛАНИБ  
ЎТИЛГАН ДАРС

унинг аънавий дарсдан фарқи нимада?

3-бет

ЎҚУВЧИНГИЗ  
ҚАЙСИ  
ФАНГА  
ҚИЗИҚАДИ?

5-бет

НУТҚДА  
РОТАЦИЗМ  
ҲОПАТИ

у қандай бартараф этилади?

6-бет

МИЛЛИЙ  
ТАФАККУР  
ТИМСОПИ

8—9-бетлар

## АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ – ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш ва мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Тошкентда ўтган бешинчи қурултойида соҳа ходимларининг бу борадаги вазифалари атрофлича муҳокама этилди ва мазкур жамоат ташкилотининг 2006—2010 йиллар давомидаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н.Аллаёров, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

раиси С.Ниетуллаев, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Ҳайтов, Жизза вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Аҳророва, Олмалик кон-металлургия комбинатининг «Қолмақир» кони экскаваторчиси, Ўзбекистон Қхрамони С.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислохотларда қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, замон талаблари даражасидаги меҳнат шарт-шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг муҳим ўрни бор. Федерация томонидан ўтган вақт мобайнида меҳнатқашлар, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг касбухона эгаллашига қўмақлашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, касаначиликни янада ривожлантириш йўналишларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий-иқти-

содий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат ҳуқуқига оид қонунлар ва меҳнат шароити устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимини юксалтириш, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги, умумий овқатланиш каби соҳаларда касаба уюшмалари фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, касаначиликни янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга оид ишларни янада кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қурултойда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси Танзила Норбоева Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## Ўзбекистон халқ ёзувчиси ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб, таниқли жамоат арбоби Пиримқул Қодиров 82 ёшида вафот этди.


П.Қодиров 1928 йилнинг 26 октябрида туғилди. 1951 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1954 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида бошлади. Кейинчалик кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими лавозимида хизмат қилди. 1990—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан ва маданият қўмитаси раисининг ўринбосари, қўмита раиси каби масъул вазифаларда ишлаб, юртимиз илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ёрқин истеъдод эгаси бўлган П.Қодиров ўзининг қарийб олти йиллик серқирра ижодий фаолияти давомида муҳим ахлоқий-маънавий мавзулардаги ўнлаб ҳикоя ва қиссалари, «Уч илдиш», «Қора кўзлар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони», «Олмос камар», «Она лочин видоси» каби романлари, «Тил ва эл», «Амир Темура сиймоси» сингари тарихий-маърифий китоблари билан адабиётимизда муносиб ва мустақам ўрин эгаллади. Ёзувчининг асарлари асосида қатор видеофильм ва спектакллар сахналаштирилди, унинг етук ижод намуналари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди.

П.Қодиров айниқса истиқлол йилларида фаол ижод қилди. Маҳоратли адибнинг халқимизнинг бой тарихи,

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА,  
Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ,  
А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, А.РАСУЛОВ.



буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, бебаҳо меросининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ёрқин асарлари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги туб янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жамоатчиликнинг эътиборини қозонди.

П.Қодиров бир неча бор Олий Мажлис депутатлигига сайланиб, мамлакатимизнинг иж-

тимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди, илм-фан ва маданият, миллий маънавиятимизни янада ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Тажрибали адиб, жонқуяр ташкилотчи сифатида халқимиз ўртасида миллий гоёмиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда сидқидилдан меҳнат қилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида проза кенгаши раиси сифатида фаолият юритди. У кўплаб ёш истеъдод эгаларининг талабчан ва меҳрибон устози эди.

Пиримқул Қодировнинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» ва «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, шунингдек, «Эл-юрт хурмати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли адиб, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Пиримқул Қодировнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

## БИЛИМДОНЛАР САРАЛАНДИ

Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактабда Тошкент шаҳар ХТББ ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида «Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари — ўқувчилар нигоҳида» шиори остида илмий-ижодий ишлар тақдими ўтказилди.

Тадбирга Республика таълим маркази ҳамда ТШПКҚТМОИ ходимлари, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ўқитувчи ва ўқувчилар таклиф этилди.

— Ушбу танлов ўқувчилар орасидан энг билимдон, иқтидорли, изланувчан ёшларни аниқлаш, эркин фикрли, кенг тафаккурли баркамол шахсни тарбиялаш, ёш авлоднинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, уларни она юртга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садо-

қат руҳида вояга етказиш мақсадида ташкиллаштирилмоқда, — дейди ЎЗМУ проректори, профессор Асқар Ниғматов.

Танловда ҳар бир тумандан 1 нафардан, жами 11 нафар иқтидорли ўқувчи Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари юзасидан тайёрлаган ижодий ишларини ҳимоя қилди. Ҳимоя жараёнида тақдимотлар ҳакамлар ҳайъати томонидан «Энг билимдон ўқувчи», «Энг иқтидорли ўқувчи», «Энг билимдон нотик ўқувчи» номинациялари бўйича баҳоланди.

Танлов сўнггида қатнашчиларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Дилшод КАРИМОВ,  
«Ma'rifat» мухбири  
Б.РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.

### Ко'рик-tanlov



Пойтахтимиздаги 64-умумий ўрта таълим мактабида «Инглиз тили фанининг ўқитилишида инновацион технологияларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан ўтказилган мазкур семинарда Республика таълим мар-

рвучи талабалари инглиз тилини ўргатишда замонавий ахборот-коммуникацион ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ҳақида олган назарий билимлари ва амалиёт давомида эгаллаган ўз тажрибасини ўқитувчилар билан ўртоқлашди.

— Инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятла-

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ЎТУҚЛАР ОМИЛИ

кази ҳамда Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ ходимлари, шунингдек, бош бошқарма тасарруфидаги мавжуд 295та умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарнинг ялпи йиғилишида сўзга чиққанлар умумтаълим мактабларида инглиз тили фанининг ўқитилиши янги педагогик технологияларни жорий этиш, ташаббускор, илғор, катта маҳоратга эга ўқитувчилар тажрибасини оммалаштиришнинг аҳамиятига эътибор қаратдилар. Яна бир муҳим жиҳат, барча маърузалар инглиз тилида олиб борилди. Хусусан, семинарга ташриф буюрган «Fly High» дарслиги муаллифи Светлана Ханнинг «Янги авлод дарсликлари» мавзусида инглиз тилида қилган маърузаси ўқитувчилар учун методик тавсияларга бой бўлди.

Шундан сўнг ўқитувчи-мутахассислар семинари ишини 11 шўъбага бўлинган ҳолда давом эттирдилар. Шўбаларда дастлаб Низомий номидаги ТДПУ Хорижий тилларни ўқитиш факультетининг «Ёш лингвистиклар» тўғраги аъзолари — олий таълим муассасасининг бити-

ридан келиб чиққан ҳолда ёндашиш ижобий натижаларга олиб келади, — дейди «Ёш лингводидактлар» тўғраги аъзоси, Низомий номидаги ТДПУ 4-босқич талабаси Индира Шарипова. — Мен «Инглиз тилини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш методлари» деб номланган маърузамда ана шу жиҳатларга эътибор қаратдим.

Инглиз тили методистлари, мутахассислар ва маҳоратли педагоглар иштирокидаги навбатдаги амалий машғулотларда ҳам тилнинг ўқитилишида катта самара келтирувчи инновацион технологиялар, уларнинг қўлланилиши ҳақида зарур тушунчалар берилди. Баҳс ва мунозаралардан сўнг барча педагогларга Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва ҳомий ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш юзасидан методик қўлланмалар, йиллик намунавий иш режаси ва дарсни ахборот технологиялари асосида самарали ташкил этишга хизмат қилувчи материаллар тақдим этилди.

Санжар РУСТАМОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Таълим муассасаларининг замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши ўқувчилар билим самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, педагог-ходимлар зиммасига яна бир қўшимча масъулият юклаши табиий. Эндиликда ўқитувчи нафақат ўз фанини мукамал билиши, балки замонавий АКТ ўқув воситалари бўйича ҳам зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Таъкидлаш ўринлики, бугун компьютер технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур билим бераётган устоз-мураббийлар ушбу техник воситаларнинг аҳамиятини янада те-ранроқ англаб етишмоқда.

нишининг яна бир қулай жиҳати, ҳозирда жорий қилинган рейтинг тизими бўйича 5та имкониятни қўлга киритиш, барча ўқувчиларни дарсга қамраб олиш имконини кенгайтиради. Ўқувчиларим компьютерда яратиб келган ҳар бир иши учун балл олади.

Ўқувчининг ўзини компью-тер воситасида ишлашга ўрга-тиш масаласига ҳам катта эъти-бор қаратиш зарур. Бу улар билан интерактив фаолиятни оширишга хизмат қилади. Ма-салан, мен ўқувчиларга компю-тер ёрдамида маълум бир мавзуда тақдимот қилиш вази-

Шу билан бирга, ҳарфлар-ни адаштириш ҳоллари ҳам жуда камайган.

Атрофимиздаги олам дар-сидан ҳам мисол тариқасида айтишим мумкинки, ўқувчи-ларга Ер сайёрасини Қуёш системаси атрофида айлани-шини тушунтириб беришим керак. Агар мен анъанавий ус-лубда дарс ўтсам, болаларда етарли тасаввур уйғотишим жуда қийин кечади. Уларни куруқ маълумот билан зерик-тириб қўяман. Компьютердан фойдаланиб ўтганимда эса ўқувчилар монитор орқали Ернинг Қуёш атрофида айла-

**Dolzarb mavzu**

даки, агар топшириқ нотўғри бажарилса, қутилган натижага эришилмайди. Мен уларни кузатиб, керакли кўрсатмалар-ни бериб бораман. Бу ўқувчи-ларда мавзуларга доир тўлиқ ва тўғри тасаввур ҳосил бўлиш имконини беради.

### Ахборот муҳитига кириш имкони

— Мактабимизнинг кластер хонасида педагогларнинг АКТ-дан фойдаланиб ўтган дарс ишланмалари ўрин олган. Бу ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар учун хоҳлаган вақтда флеш хо-тира ва бошқа электрон воси-талар ёрдамида керакли маъ-лумотларни олиш имконини беради, — дейди 90-мактаб-нинг информатика фани ўқитувчиси Бахтиёр Каримов. — Ўқитувчи энг биринчи ўринда ускунавий дастурлар-нинг POWERPOINT ва WORD дастурларини яхши билиши зарур. Шу мақсадда кластер хонамиз компьютерларидан "Тренинг материаллари" пап-касида фанлар бўйича юқори-даги дастурларда, ускунавий дастурларда ишлаш ва бошқа АКТдан фойдаланиш бўйича маълумот, кўрсатмалар ўрин олган. Шунингдек, уларда [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) сайтдан олин-ган маълумотлар ҳам жойлаш-тириб борилади.

Жорий ўқув йилининг но-ябрь ойида мактаб педагогика кенгаши йиғилишида "Илғор педагогик технологияларни амалда жорий этиш муаммолари ва ечимлари" мавзуси кўтарилди. Бу ҳам ўқитувчиларимизнинг ўз дарсларига тан-қидий баҳо бериш орқали яра-тилган шарт-шароитлардан са-марали фойдаланишга ундага-ни рост.

Ҳозирда юртимиз ахборот маконида таълимга оид сайт-лар ортиб бораёпти, қолавер-са, мактабларнинг ўз сайтлари яратилмоқда. Бу ўқитувчилар-ни ахборот олиш, ҳамкасблар-ни билан алоқа ўрнатиш ва тажриба алмашиш имконини бермоқда. Чет тилларини яхши биладиган ўқитувчилар ҳатто хорижлик ҳамкасблари билан алоқа боғлаб, ўзаро тажриба алмашишмоқда.

Яқинда Президентимизнинг Қойишқучиямиз қабул қилин-ганлигининг 18 йиллигига ба-ғишланган тантанали маро-симдаги маърузасида айтиб ўтилганидек, бугун мактаблар-имиз, "Дастур доирасида 2010 йилда 560та етакчи кластер мактаблари қийма-ти қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500та компьютер техникаси билан таъминланди, 750дан ортиқ қишлоқ мактаби за-монавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳоз-ланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400та шах-сий компьютер билан таъ-минланди".

Давлатимизнинг таълим со-ҳасига, ёшлар истиқболига бўлган бундай эътибори биз устоз-мураббийларнинг зим-масига улкан масъулият юкла-ши табиий. Президентимиз-нинг юқоридаги сўзларидан таълим-тарбия соҳасида замо-навий технологияларни кенг жорий қилишнинг юксак аҳамият касб этишига яна бир қарра амин бўлаемиз.

**Ғолиб БАХРОМОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

# КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЎТИЛГАН ДАРС УНИНГ АНЪАНАВИЙ ДАРСДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Шундай экан, таълим-тар-бия жараёнида АКТдан фойда-ланишнинг ўзига хос хусуси-ятлари, самараси ва уни тат-биқ этишнинг йўл-йўриқлари юзасидан бой методик тажри-ба тўпланганига шубҳа йўқ. Ана шу тажрибалар, бу бора-даги ўзига хосликлар ва янги-ликлар билан танишиш мақса-дида бир неча ўқитувчи ва му-тахассислар билан суҳбатлаш-дик.

— Ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жара-ёнига татбиқ этишдан мақсад ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари самарадорлиги-ни оширишдир, — дейди Рес-публика таълим маркази таъ-лимни ахборотлаштириш бўлими бошлиғи Баҳодир Болтаев. — Анъанавий дарс-ларда кўргазмалилик воситаси сифатида плакатлардан фойда-ланиб келинган бўлса, ҳозир-га келиб ривожланиб бораёт-ган компьютер, слайд, мультимедиа воситалари каби замо-навий ахборот-коммуникацион технологиялари кенг татбиқ этилмоқда. Анъанавий дарсдан фарқли равишда улардаги тасвир ва товуш уйғунлиги ўқувчиларнинг ўтилатган мав-зуга диққатини тортади ҳамда берилётган маълумотларнинг узок муддат хотираларида муҳрланиб қолишига хизмат қилади. Шунингдек, ўқувчи дарсдан сўнг ҳам берилган топшириқларни бажариш жа-раёнида маълумотларни ин-тернетдан излайди. Ёки маъ-лум бир сабабларга кўра, дарсда қатнаша олмаган ўқув-чига устози электрон манба-лардан керакли маълумотлар-ни етказди. Бу ўқувчига қулайлик яратиши билан бир-га, ундаги бўшлиқни тўлдир-иш имконини беради. Таби-ийки, ўқувчининг фанини ўзлаштиришда бўшлиқларнинг кўпайиши унинг дарсга қизи-қиши сусайишига сабаб бўла-ди. Бунинг олдини олиш учун фан ўқитувчисининг зиммаси-да керакли ўқув сайтлари ҳақида маълумотга эга бўли-ши, улардан фойдаланиш бо-расида кўрсатмалар бериш ва уларни рағбатлантириш вази-фаси ҳам туради.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, технология имкони-ятлари фақатгина дарс жара-ёнида эмас, дарсга тайёргар-лик жараёнида ҳам ўқитувчи-нинг яқин кўмакчисиدير. Ана шу жиҳатлари билан ҳам ўқитувчи фаолияти самара-

дорлигида ушбу техник воси-танинг ўрни катта.

### Қисқа вақтдан унумли фойдаланиш воситаси

— Анъанавий дарсда кўпроқ ўқитувчининг гапиришига тўғри келади. Ноъананавий дарс эса, асосан, эркин фикр-лашиш, мулоқот тарзида таш-кил этилади. Компьютер ёрда-мида дарс ўтиш берилган қисқа вақтдан унумли ва оқилона фойдаланишга шаро-ит яратади, — дейди Чилонзор туманидаги 90-мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Ёркиной Эрнарзо-ва. — Масалан, мен яқинда "Бугунги дунёнинг мафкура-вий манзараси" мавзусида дарс ўтдим. Унда ўқувчилар жаҳонда рўй бераётган ғоявий таҳдидлар, экстремизм, одам савдоси ва гиёҳвандлик каби ёшларга ёт бўлган ғоялар ҳақида етарли билимга, тасав-вурга эга бўлган ҳолда огоҳ бўлиши учун компьютер воси-тасида тасвирлар, рангли фо-тосуратларни намойиш қил-дим. Экранда кўрсатилган тас-вирлар ўқувчиларнинг кўриш ва фикрлаш қобилиятларини ишга солиб, тўғри хулоса чи-қаришга ундагани дарс якуни-даги фикрларидан англанди. Ёки 9-синфлар учун мўлжал-ланган "Мафкуравий иммуни-тет" мавзусини тушунтиришда ҳам компьютер имкониятлари-дан кенг фойдаланган ҳолда, слайдлар ёрдамида ўқувчилар-га бунёдкор ва вайронкор ғояларни қиёсий таҳлил қилиб, салбий ва ижобий жи-ҳатларни аниқ кўрсатиб бе-рилди.

Бугунги дунё воқеаларини ўқувчиларга тўлақонли етказ-иб бериш, глобаллашув жа-раёнининг ижобий ва салбий томонларини фарқлаш, ғоявий таҳдидларга нисбатан иммунитет ҳосил қилишда ах-борот технологиялари муҳим роль ўйнайди. Оммавий мада-ниятнинг кенг ёйилишидан манфаатдор бўлганлар замо-навий технологиялардан жуда усталик билан фойдаланиш-моқда. Албатта, унга қарши қурол сифатида бу технологи-ялардан фойдаланиш ўзига хос таъсир кучига эга.

Дарсда АКТдан фойдала-



фасини топшираман. Шунда улар интернетдан маълумот қидиради, манбаларга қайта-қайта мурожаат қилади. Бу эса ушбу маълумотларни, олган билимларини хотирасида муста-ҳкам сақланиб қолишига за-мин яратади.

— Ўқувчининг эшитганидан кўра кўргани кўпроқ ёдига қолади, — дейди Юнусобод туманидаги 272-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Алихўжаева. — Бош-ланғич синф ўқувчилари учун математика бўладими, она ти-лими, ўқиш ёки атрофимизда-ги олам фаними, уларнинг ҳар бирида инновацион техно-логиялар воситасида дарс ўтишнинг ўзига хос ўрни мав-жуд. Масалан, 1-синф ўқувчи-ларида "d" ва "b", "p" ва "q" ёки шу каби бир-бирига ўхшаш ҳарфларни адаштириб қўйиш, чалғиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Дарсларим-да ҳарфлар билан боғлиқ гул-лар, ҳайвонларнинг ва бошқа турли жисмларнинг суратла-рини ўқувчиларга компьютер воситасида кўрсатиб бераман. Натижада, анъанавий дарсдаги-га нисбатан уларда дарсларни тез ўзлаштириши сезилди.

нишини, фасллар алмашину-вини ўз кўзи билан кўради. Эътиборлиси, ахборот комму-никацион технологиялардан фойдаланиб ўтилган мавзунини кейинги дарсда сўралганда жавоб беришда қийналмайди. Негаки, инновацион техноло-гияларга бой дарс орқали уларнинг қизиқишини, диққат-эътиборини қозониш мумкин. Ўқувчининг қизиқишини, хоҳи-шини уйғота оласан, диққатини торта билсак унинг билим да-ражаси тобора юксалиб бора-ди.

— Дарсда техник воситалар-дан фойдаланиш ўқувчининг ўзлаштириш коэффицентини бир неча баробарга оширади. Маълумотларга кўра, инсон 70 фоиз ахборотни кўриш орқали қабул қилади, — дейди 272-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Абдувоҳид Назаров. — Хусусан, физика фани-нинг асосини тажриба ва ку-затишлар ташкил қилади. Мен лаборатория ишларини мав-жуд жиҳозлар воситасида ўқув-чиларга кўрсатиб бераман. Улар топшириқларни электрон дарсликлар ёрдамида компью-терда бажаради. Компьютер-нинг яна бир қулайлиги шун-

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН ВИЛОЯТДАГИ КОЛЛЕЖЛАРНИНГ 238 НАФАР БИТИРУВЧИСИГА ЖАМИ 370 МИЛЛИОН СЎМ МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ. БУ БИЛИМЛИ, КАСБ-ХУНАРНИ ПУХТА ЎЗЛАШТИРГАН КЎПЛАБ ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАШИГА, МУҚИМ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИШИ БИЛАН БИР КАТОРДА ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЎЗ МЕХНАТИ БИЛАН ХИССА ҚЎШИШИГА ШАРОИТ ЯРАТДИ.**

— Бир қатор касб-хунар коллежлари битирувчилари билан учрашувлар ўтказдик, — дейди «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали бўлим бошлиғи Гулчехраҳон Қосимова. — Мутахассисларимиз битирувчиларни банкдан микрокредит олиш тартиб-қоидалари билан таништирдилар. Сармояни мақсадли тўғри йўналтириш хусусида маслаҳатлар бердилар. Бу битирувчиларнинг тадбиркорликка қизиқиши билан бир қаторда микрокредит олиш ва уни оқилона ишлатиш масъулиятини оширди.

Андижон иқтисодиёт касб-хунар коллежини келгуси йили 420 нафар йигит-қиз битиради. Молия, банк, бухгалтерия, халқаро бизнес, ҳуқуқшунослик йўналишида билим олаётган ёшларнинг тадбиркорликни йўлга қўйишида банк томонидан бериладиган микрокредитлар асқотади. Мавлон Ғафуров, Шаҳбоз Ҳожиёв, Халилулло Лочинбеков сингари кўплаб ўқувчилар ҳозирдан кичик бизнесни йўлга қўйиш тажрибасини ўрганиш ва банкдан микрокредит олиш истагини билдирди. Бу ёшларнинг хунармандчилик, яратувчилик, тадбиркорлик мақсадлари рўйбга чиқишига мадад беради.

**О.СИДДИҚОВ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ПЕШҚАДАМ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАРГА ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА.**

“Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси” ва “Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари” танловларининг туман ва шаҳар босқичларида бу гал жами 620 нафардан ортиқ ижодкор ўқитувчи иштирок этди. Танловнинг якуловчи босқичи Гулистон шаҳридаги 6-мактабда бўлиб ўтди. 72 нафар ўқитувчининг ҳужжатлари, иш тажрибалари юзасидан тақдиротлар, тест топшириқларининг бажарилиши нуфузли ҳакамлар томонидан атрофлича ўрганилиб, баҳоланди.

Эътиборли томони шундаки, бундан олти ой аввал илк бор ўтказилган танловга қараганда бу галгисида ўсиш кузатилди. Бу мазкур танловга қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Шундай қилиб 12 нафар “Энг фаол фан ўқитувчиси” ва 12 нафар “Энг фаол синф раҳбари” аниқланди. Энди уларнинг ҳар бирига олти ой мобайнида энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорда мукофот пули берилади.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,  
“Ma'rifat” муҳбири**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ БОЙСУН ТУМАНИГА ХУШХАБАР ТАРҚАЛДИ. «ШҮРСОЙ» ҚИШЛОҒИДА 150 ХОНАДОННИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН САЛКАМ 34 МИЛЛИОН СЎМЛИК ОБЪЕКТНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

2 километр масофадан қувур ётқизиш орқали тоза сув етказиб бериш ишларини бажарган пудрат ташкилоти жамоасидан қишлоқ аҳлининг миннатдорлиги чексиз. Қувур ишга тушиши билан қишлоқда сув муаммоси бартараф этилди.

Қишлоқ аҳолиси номидан «Шўрсой» қишлоқ фуқаролар йигини фаоли Салим Муродов сўзлаб, ҳамкорларга, жумладан «ЭКОСАН» халқаро жамоат фондига ушбу муруватпарварлик ишлари учун ташаккур билдирди.

**МУХБИРИМИЗ**



**ҚУШРАБОТ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА УМУМТАЪЛИМ ФАН ОЛИМПИАДАСИНING ХУДУДИЙ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Очилиш маросими Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси билан бошланди. Фан олимпиадаси аввалида туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Аслиддин Мусурмонов сўз олиб, олимпиаданинг ўтказилиш қонун-қоидалари ҳақида гапирди ва барча ўқувчиларга омад тилади. Сўнг ҳакамлар ҳайъати эълон қилинди, олимпиаданинг туман марказидаги 48-, 81- ва 82-мактабларда ўтказилиши белгилаб олинди. Унда 13та фан бўйича 54та мактабдан ташриф буюрган 702 нафар ўқувчи иштирок этиб, ўз билимларини синовдан ўтказишди. Байрамонга тусда ўтказилган мазкур олимпиадада 1,2,3-ўринларни қўлга киритган ўқувчилар туман босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

**Раҳмиддин ШОВҚИЕВ,  
18-мактаб ўқитувчиси**

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ОЛГАН БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЎЗ НАВБАТИДА УНИ СИНОВДАН ЎТҚАЗИШ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА.**

Пойтахтимиздаги 107-мактабда Тошкент шаҳар ПКҚТМОИда малака ошираётган ўзбек тили ўқитувчиларининг семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Унда мазкур мактабнинг Ўзбек тили услубирлашмаси ўқитувчилари ташаббуси билан ноанъанавий дарслар ташкил этилди. “Устоз-шоғирд мактаби” йўналишида Нигора Салимова (устоз) ҳамда Сайёра Зиямухаммедова, Дилноза Раҳматова, Дилрабо Абдухалилова(шоғирдлар)ларнинг 5-синфда ўтказиладиган “Қадимий шаҳарлар”, шунингдек, ёш ўқитувчи Муқаддас Шомирзаеванинг “Тошкентнинг янги иншоотлари” мавзусидаги дарслари йиғилганларга маъқул бўлди.

Семинар сўнггида ўтилган дарслар таҳлил қилиниб, керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Башорат ОТАХОНОВА,  
“Ma'rifat” муҳбири**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИДА «РЕСПУБЛИКАДА ИНШОТЛАР ЗАМИНИ ВА ПОЙДЕВОРСОЗЛИК МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНING МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Анжуманининг ялпи мажлисида «Юмшоқ грунтларда замин ва пойдеворлар барпо этишнинг назарий ва амалий муаммолари», «Гидротехника, ер ости ва транспорт иншоотларини барпо этишда ҳозирги замон технологияси», «Хавфли геологик жараёнларни химоя қилишга қаратилган инженерлик усуллари», «Замин ва пойдеворни таъмирлаш масалалари» каби шўъбаларда 40дан зиёд долзарб мавзулардаги илмий-амалий ишлар тақдим қилинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЁЛЛАР ҚАНОТИНИНГ II РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Хотин-қизларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касбий, интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш масалалари конференция кун тартибига қўйилган. Унда, шунингдек, кенгашнинг янги таркиби сайланди.

Тадбир сўнггида ўз меҳнати билан ҳудудларда партия нуфузини ошираётган хотин-қизлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

**Даврон СУННАТОВ,  
ЎЗМУ талабаси**

**ПАРКЕНТ ТУМАНИДАГИ 29-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА НАВҚИРОН АВЛОД ҚАЛБИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ, УНИНГ АЗАЛИЙ ИНСОНПАРВАР ҚАДРИЯТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУРМАТНИ ЯНАДА ЎСТИРИШ, УЛАРНИНГ МУРҒАК ОНГИГА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИНИ ЧЎҚУРРОҚ СИНГДИРИШ МАҚСАДИДА МУНТАЗАМ РАВИШДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛЛАШТИРИЛАДИ.**

Ана шундай маданий кечалардан бири “Миллий ғоя туркумидаги “Одобнома” ҳамда “Ватан туйғуси” ўқув фанларига бағишланди. Унда ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, шеър қўшиқлар, юртимизнинг кўҳна ва навқирон обидалари, аънаналари борасидаги билимни синовчи ақлий уйинлар ўтказилди.

Таниқли сўз устаси Шерали Ҳожиёв ва яна бир қатор ижодкорлар билан бўлган суҳбатда мактаб ўқувчилари ўз саволларига жавоб олишди. Санъаткор ўзбек тилининг чексиз имкониятлари ҳақида сўзлаб, ўзининг ажойиб латифаларидан айтиб берди.

Энг асосийси, ўқувчилар ва уларнинг тадбирга таклиф этилган ота-оналарига Янги йил арафасида ҳақиқий байрамона кайфият улашилди.

**Феруза АКБАРОВА,  
ўқитувчи**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ» МАВЗУИДАГИ ЎҚУВ СЕМИНАРИ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР, ХУСУСАН, ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ АРИЗА ВА ХАТЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАБИ МАВЗУЛАРНИ КАМРАБ ОЛДИ.**

Семинарда ўз маърузаси билан иштирок этган Халқ таълими вазирлиги ходими Х.Султонова хизмат вазифасини сусти ижро этаётган туман ва шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари учун интизомий чоралар белгилаш ва мутасаддилар назоратини кучайтириш мақсадида ишчи гуруҳини тузиш масаласини ўртага ташлади.

— Айни пайтда, бирор вазифани кўнгилдагидек бажариш учун ходимларнинг бундан хабардорлиги, ахборот билан таъминланганига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Ҳар бир ходим ахборот-коммуникацион технологиялар билан ишлаш олиши — замон талаби, — деди Х.Султонова.

Мутахассислар тренинг машғулотларида иштирок этишиб, амалиётга жорий этиш мумкин бўлган таклифлар белгилаб олинди.

**В.ҚАРШИБОВЕВА**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ МЕТОДИКА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 81-МАКТАБДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ, МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИ МЕТОДБИРЛАШМА РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАҲАР СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Семинарда РТМ ҳамда ТШПҚҚТМОИ ходимлари, дарсликлар муаллифлари, шунингдек, 150 нафар фан ўқитувчиси ҳамда 50 нафар ёш мутахассис иштирок этди.

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, таълим мазмунини юқори кўтариш, дарсларга замонавий инновацион технологияларни татбиқ этиш, ижодкор ва илғор педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, шаҳар мактабларида мазкур фанларнинг ўқитилиш самарадорлигини ошириш, ёш ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди ТШХТББ методисти Озода Ваҳובהва.

Тадбир шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб борди. 1-шўъбада 62-мактаб ўқитувчиси Тўлқиной Пошшаҳўжаева “Яққол тасвирлар ҳақида умумий маълумот” мавзусида, 2-шўъбада 74-мактабдан Ян Борисов “Технология, живопись, рисунки”, 3-шўъбада эса 283-мактаб мусиқа маданияти фани ўқитувчиси Зухра Зияева “Ўзбек замонавий мусиқаси” ҳамда 4-шўъбада ушбу мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Дилором Раҳимова «8—9-синфларда меҳнат таълимининг ишлаб чиқариш ва касбга йўналтириш асослари бўлимини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш» мавзусида маъруза қилди. Улар иштирокчиларни ўз тажрибаларида қўллаб келаётган илғор услублар билан таништириб, инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишди. Тадбир сўнггида ўтилган дарслар таҳлил қилинди.

**Ғолиб БАҲРОМОВ**

**Кадимги юнон файласуфи Гиппократ инсон организмининг ҳолати асосан "шарбатлар", яъни танамиздаги мавжуд суюқликларнинг миқдорий нисбатига боғлиқ, деб ҳисоблаган. Бу шарбатларнинг аралашмаси грекчада "красис" ("гўзал") деган маънони англатади. Бир неча аср кейинроқ римлик шифокорлар бу атамани латинча "temperamentum" ("қисмларнинг тегишли нисбати") сўзи билан алмаштиришган.**

Маълумки, инсонлар темпераментига кўра, сангвиник, флегматик, холерик ва меланхолик сингари 4 гуруҳга ажратилади. Шахс темпераменти унинг ҳаётига, кундалик фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиши олимлар томонидан аллақачон исботланган. Хўш, фарзанд тарбиясида, дарс жараёнида ота-она ва ўқитувчи боладаги мазкур ўзига хос хусусиятга қай тариха ёндашиши керак?

Психологларнинг таъкидлашича, педагог қисқа суҳбат чоғида бола психикасининг динамикаси тўғрисида муайян маълумотга эга бўлиши мумкин, лекин бу — унинг темпераменти тўлиқ аниқланди, дегани эмас. Ўқув-дарс жараёни давомида ўқитувчи боланинг ҳар

мала қилишга ҳаракат қиламан, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Васила Собирова. — Дарс жараёнида бола темпераментини аниқлаш имконияти кенг, буни тажрибали ўқитувчи ҳатто биринчи дарснинг ўзидаёқ пайқаб олиши мумкин. Дейлик, ўқувчим Алишер доимо сергайрат ва фаол. У одатда атрофдагиларни унутиб қўйиб, ўқишга, ишга қизиқиб кетади. Бир вақтнинг ўзида бир неча ишни осонгина бажаради, турли ҳодисаларнинг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги унинг ғайратини сўндиролмайди. Яна бир ўқувчим — Азамат эса берилган вазифани тезда

**Kuzatuv**



ишлари чала. Ҳеч бир ишни ҳафсала билан, охирига етказиб бажармайди. 5 дақиқа ўтар-ўтмас, дарс тайёрлаб бўлдим, деб телевизор кўришга ёки кўчадаги дўстлари билан ўйнашга шошилади. Ўқитувчисининг айтишича, синфдошлари орасида ўзининг жўшқинлиги билан ажралиб тураркан. Саволларга ўйламасдан, пойинтар-сойинтар жавоб берармиш. Боламинг танаффус пайтида йўлақлар бўйлаб югуриб, ким биландир «кураш» тушиб кетиши, умуман тинч ўтирмаслиги ўқитувчиларни, қолаверса мени ҳам хавотирга солади. Ҳатто дарсларда ҳам кўполлик қилиб, тенгдошларига нисбатан беписанд муносабатда бўлар экан.

— Дониёрнинг хатти-ҳаракатлари асосан холерик темперамент вақилларини ёдга солади, — дейди психолог Ф. Раҳмонова. — Бола ўзини жуда яхши кўради, атрофдагиларнинг доимий рағбатлантириб туриши ва кучли эътибори унга жуда зарур. Агар тарбиясига жиддий эътибор қаратсангиз, энг фаол, ўзига ишонган, билимли ва ташаббус-

**МАТЕМАТИК ЖУМБОҚҚА ТЕЗКОР ЕЧИМ**

Математика фани ўқувчи ёки талабанинг наинки ақлини чархлайди, шунингдек, фикрлаш доирасини кенгайтиради. Куйида сизга икки хонали сонларнинг айримларини кўрсатмоқчимиз. Булар кундалик ҳаётда дуч келадиган математик жумбоқларни ечишда асқотади.

Чунончи,  $25 \times 25 = 625$ ,  $35 \times 35 = 1225$ ,  $85 \times 85 = 7225$  эканини калькулятор ёки мактабда ўрганган усуллардан бирида ҳисобласа бўлади. Лекин бирор-бир юмуш билан банд экансиз, бу кўринишдаги кўпайтимларни хаёлан ҳисоблашга тўғри келиб қолиши мумкин. Бунинг учун амаллар куйидагича бажарилса осон ечим топилади. Унликлар хонасида турган рақамни ўзидан битта кўп бўлган сонга кўпайтириш ва

**Amaliy mashg'ulot**

давомига 25ни ёзиб қўйиш етарлидир. Бизнинг мисолимизда у куйидагича бўлади.  $25 \times 25$ ни хаёлан кўпайтириш учун ўнликлар хонасидаги рақам 2, шунинг учун  $2+1=3$  ва  $2 \times 3=6$  сўнгра олтининг орқасидан йигирма беш ёзиб қўйилса, керакли натижага эришамиз.

Демак,  $25 \times 25 = 2 \times (2+1) = 6$  ва  $5 \times 5 = 25 \rightarrow 625$ . Худди шундай  $35 \times 35$  учун  $3+1=4$ , демак,  $3 \times 4=12$ ,  $5 \times 5=25$  ва  $1225$ . Буни каттароқ кўпайтимлар учун қўллаш айниқса завқлидир. Масалан,  $85 \times 85$  учун  $8+1=9$ ,  $8 \times 9=72$  ва  $7225$ ,  $95 \times 95$  учун эса  $9+1=10$ ,  $9 \times 10=90 \rightarrow 9025$  ва ҳоказо.

Энди ўз-ўзидан бошқа сонлар учунчи, деган табиий савол туғилади. Бундай ҳисоб-китоб ишларини оғзаки кўпайтириш учун ҳар қандай дастлабки рақами бир хил бўлган ва йигиндиси 0 билан тугайдиган сонларда қўллаш мумкин. Масалан,  $23 \times 27$ ,  $51 \times 59$ ,  $74 \times 76$  ва ҳоказо.

Демак, мисолимизда  $23 \times 27$  учун  $2 \times (2+1)=6$ ,  $3 \times 7=21$  ва жавоб 621.  $51 \times 59$  учун  $5 \times (5+1)=30$ ,  $1 \times 9=9$  фақатгина бу кўринишдагиларни икки хонали бўлиши учун олдига 0 қўйиб, 09 кўринишида ёзишимиз зарурдир ва натижамиз 3009 бўлади.  $74 \times 76$  учун  $7 \times (7+1)=56$  ва  $4 \times 6=24$  ва натижа 5624 га тенг бўлади.

Математикага қизиқувчилар учун бунинг исботи жуда ҳам оддийдир. Уни куйидаги амалларда кўришимиз мумкин.

Маълумки, икки хонали ихтиёрий сонни  $10a+b$  кўринишида ифодаласа бўлади. Исботи тушунарли бўлиши учун бизнинг кўпайтмаимизни  $(10a+5) \times (10a+5)$  кўринишида ёзиб оламиз.

Бундан  $100a^2+100a+25$  чиқади, бундан  $100a(a+1)+25$  экани маълум. Ихтиёрий сонни қўшсак, ўша соннинг ўзи чиқishi тушунарлидир.

$b$  нинг ўрнига бошқача сон бўлсачи? Мисолимизнинг иккинчи қисмида дастлабки рақамлар бир хил ва йигиндиси 0 билан тугаган сон бўлсин, деган шарт қўйилапти. Демак, бирликлар хонасидаги рақамлар куйидаги тартибдадир.

$1+9=10$	$4+6=10$	$7+3=10$
$2+8=10$	$5+5=10$	$8+2=10$
$3+7=10$	$6+4=10$	$9+1=10$

Бу ерда ҳар бир йигиндининг биринчиси 5дан қанча кам бўлса, иккинчи қисми шунча кўндр. Масалан, биринчи йигиндида 1 сони 5дан 4та камдир ва 9 эса 5дан 4та кўндир. Демак, бизга таниш  $(10a+5) \times (10a+5)$  ифодани  $((10a+5)-d) \times ((10a+5)+d)$  кўринишида ёзиб оламиз ва  $(a+b)(a-b)=a^2-b^2$  формула бўйича  $((10a+5)-d) \times ((10a+5)+d) = (10a+5)^2 - d^2$  натижаси келиб чиқади.

Қисқаси, масала ечишининг бу каби усуллари талабаларнинг фаоллигини ошириш билан бирга математик билимларини мустақамлайди, зукколигини намойён этишга чорлайди.

**Ойбек НАЗАРОВ, ЖИДУ талабаси**

**ЎҚУВЧИНИГИЗ ҚАЙСИ ФАНГА ҚИЗИҚАДИ?**

**Бу унинг темпераментига ҳам боғлиқ(ми?)**

хил хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини солиштирган ҳолда, темпераментининг асосий белгиларини ажратиш олиши мумкин.

Шунингдек, ўқитувчи темпераментнинг бола ёшига оид хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак. Дейлик, кичик мактаб ёшида болалар фаоллиги, тенгдошларидан «қолиб кетиш»ни хоҳламаслиги, эмоционаллик хусусиятларининг юқорилиги ва унда бирор машғулот ёки буюмга нисбатан қизиқиш уйғотишни осонлаштиради. Кейинчалик ўсмирлик ва ўспиринлик даврида болада бу каби фаоллик ва қизиқувчанлик камроқ кузатилади. Демак, темперамент ёшга қараб ўзгариб бориши мумкин.

— Ҳар бир темперамент турида, албатта ҳам ижобий, ҳам салбий психологик хусусиятлар бўлади, — дейди Камоллидин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти педагог-психологи Фотима Раҳмонова. — Холерик куч-қуввати, ҳиссиётларини муносиб мақсадларга йўналтириши мумкин. Унга хос бетгачопарлик, кескинлик, жазавога мойиллик эса салбий жиҳат саналади. Сангвиникларга тиришқоқлик ва ҳозиржавоблик хос. Аммо қониқарли даражада тарбия берилмаган тақдирда бу темперамент вақилларида диққатни жамлай олмаслик, бир йўла бир неча ишга қўл уриб, барчасини чала ташлаб кетиш ҳолатлари учрайди.

Флегматик темперамент вақилларининг вазмин, сабр-тоқатли бўлиши, шошмасдан иш кўриши баробарида, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга, ҳис-туйғуларга бефарқ бўлиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Ҳиссиётнинг чуқурлиги ва барқарорлиги, сезгирлиги меланхоликнинг қатта ютуғи ҳисобланади, лекин кези келганда, улар ўзларининг шахсий кечинмаларига бутунлай берилиб кетиши, ҳаддан ташқари уятчан ва тортинчқ бўлиб қолиши мумкин.

Ўқитувчи боладаги бир темпераментни бошқасига ўзгартиришга уринмаслиги, балки мунтазам иш олиб бориш йўли билан ҳар бир темпераментнинг ўзига хос ижобий томонларини ривожлантиришга кўмаклашиши ва ушбу хусусиятнинг баъзи салбий жиҳатларидан ўқувчининг холи бўлишига ёрдам бериши лозим.

— Бола темпераментининг ўзига хослигини педагогик фаолиятим мобайнида кўп кузатаман. Ўқувчиларга ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муо-

тайёрлай олмайди: ҳар қандай топширқ ундан тайёргарлик кўриш, мулоҳаза қилишни талаб этади. Ҳар бир кичик тўсиқ, қутилмаган ҳолат унинг ҳис-туйғуларига маълум маънода таъсир кўрсатади. Азаматдан фарқли ўлароқ, ҳамisha дадил ҳаракат қиладиган Алишер қисқа вақтда ҳордиқ чиқариб, ўзини ўнглаб олишга қодир. Мактабдан уйга қайтиш, бошқа мавзуларда қисқагина суҳбатлашиш, энг асосийси, машғулотлар алмашинуви унинг кучини қайта тиклаш учун етарли. Азамат эса мактабда куннинг охирига бориб, чарчаб қолади ва ақлий фаолиятга киришиш учун у икки соатча ором олиши даркор. Алишер янги мавзунини катта қизиқиш билан тинглайди, янгиликларни жуда осон ўзлаштиради, бироқ бир мавзунини такрорлаш уни зериктиради. Азаматда эса тамомила қарама-қарши ҳолатни кузатамиз: унга ўтилган мавзуларни такрорлаш жуда ёққади.

Психолог Ф. Раҳмонова болалар характеридаги темперамент билан боғлиқ бу каби ўзига хосликларни куйидагича изоҳлайди:

— Чиндан-да, ўқувчиларнинг характери ва темперамент турлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Агар буни юқоридаги ўқувчилар мисолида тушунтирадиган бўлсак, биринчи ўқувчи, яъни Алишерга нисбатан "сен зўрсан" қабилдаги педагогик усулни қўллаш, уни кўпроқ рағбатлантириб туриш мақсадга мувофиқдир. Азамат типдаги болаларни эса синфдошлари орасида зинҳор қаттиқ уришманг, нимадандир кўнгли қолса, у барчасига қўл силтаб кетиши мумкин. Агар чиндан ҳам ёмон хулқи ёки фанларни паст ўзлаштираётгани учун унга дашном бериш ниятингиз бўлса, болани ёнингизга чақириб, секингина тушунтириш кифоя. Бундай болалар флегматик темперамент эгаларидир.

Швеция олимларининг фикрига кўра, ўқитувчи ҳар доим боладаги қандайдир ўзига хос қобилиятни кашф этиши лозим. Улар ҳар бир ўқувчининг ноёб истеъдодига эътибор бериши керак, болаларни аълочи ёки паст ўзлаштирувчига ажратиш эса ҳеч қачон яхши натижага олиб келмайди.

— Ўғлим Дониёр 5-синфда ўқийди. Болалигидан жуда қизиққан, ҳар доим биринчи бўлишга шошади, — дейди Тошкент шаҳри Ҳамза туманида яшовчи Саида Эшонқулова. — Уйда иш буюргудек бўлсам, чаққонлик билан уни тез бажаришга ҳаракат қилади, лекин

кор ўқувчи бўлишига шубҳа йўқ. Борди-ю, тарбияда бефарқликларга йўл қўйсангиз, ундаги бетгачопарлик, лоқайдлик, ишқмаслик каби салбий хусусиятларга кўникишингизга тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, боланинг барча хатти-ҳаракатлари, фазилатларини темпераментга йўявериш ҳам тўғри эмас. Қизиқиш ва майллар ўзгарувчанлиги, ўзини тутат билмаслик, атрофдагиларга бефарқ бўлиш, кўрқоқлик каби салбий хусусиятлар болани ҳаддан ташқари эркалиб юбориш, инжиқликларини рағбатлантириш, ортиқча қаттиққўллик оқибатида ҳам рўй бериши мумкин. Темпераментнинг бир турига оид хусусиятлар иккинчисиде ҳам учраши, баъзан эса бир темперамент иккинчиси билан алмашиши мумкин.

— Тахминан 5-синфда ўқиётган пайтларимиз эди, математика ўқитувчимиз мени арзимаган сабаб билан уришиб, биринчи партадан охиригисига ўтказиб қўйди, — деб хотирлайди ЎЗМУ талабаси Дилшодбек Расулов. — Агар бу жиддий сабаб бўлганида, эсимда қолиши керак эди, лекин ханузгача ўшанда устозим мени нега жазолаганини тушунолмайман. Ўша куни барча дарсларда кўнглим ғаш бўлиб ўтирдим, уйга келган, вазият яхшиланмади. Ўша арзимаган воқеадан сўнг математика фанига нисбатан қизиқишим пасайди. Фани ҳам, ўқитувчимизни ҳам ёмон кўриб қолиб, ижтимоий соҳа фанларига кўпроқ эътибор қаратганман. Ҳайратланарли томони, баъзида болалигимни эслаб туриб, ҳозир ҳам ўша салбий феъл-атворим ўзгармаганини англайман.

Дилшодбекнинг темпераменти — меланхолик. Унинг темпераментига хос салбий жиҳатлар ўз вақтида тарбияланмаганлиги сабаб, ҳозир ҳам у юзага чиқишда давом этмоқда. Агар ота-она ёки ўқитувчи болалигидан уни фаолликка ундаганида, қандайдир йўллар билан фанларга нисбатан унда қизиқиш уйғота олганида, балки Дилшод ўз хусусиятидаги салбий жиҳатлардан холи бўлиши мумкин эди.

Бола оиладаги тарбия, ўзини ўраб турган маънавий муҳит таъсирида камол топади, муайян феъл-атвор соҳибига айланади. Ёш авлодни келажакда чин маънодаги комил инсон қилиб тарбиялаш ҳамда уларнинг иймон-этиқоиди мустаҳкам, қатъиятли, юксак маънавиятли, гўзал хулқ-атворли бўлиб воқеа етишида барчамиз бирдек масъул бўлмоғимиз даркор.

**Азима ҚИЁСОВА**

Хар бир ота-она фарзандининг нутқи равон бўлишини, ўз фикрини тўлиқ ифода қилиш олишини истайди. Аммо, бунинг учун нималарга эътибор қаратиш зарурлигини барча ҳам тўлиқ илгасмаслиги мумкин.

Табиийки, бола катталарга тақлид қилиш орқали гапиришни ўрганади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишида нутқ алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ота-она ёки тарбиячи болаларнинг товушларни тўғри талаффуз қилишларига эътибор беришлари ва ўз вақтида улар нутқда учрайдиган нуқсон ва камчиликларни бартараф этишлари талаб этилади.

Товушларни тўғри талаффуз қилиш қоидаларини эгаллаш анча узоқ ва мураккаб жараён. У аксарият ҳолларда беш, баъзан етти йилгача чўзилади. Мактабгача ёшдаги бола таълимнинг кейинги босқичига тайёр бўлиши учун ундан жисмонан соғломлик, нутқ ва тафаккурнинг маълум даражада ривожланганлиги, шахсида маънавий-ахлоқий хусусиятларнинг етарли шаклланиши, тасаввур доирасининг меъёрида ривожланаётгани эътиборга олинади.

Кўпгина ота-оналар фарзандининг "р" товушини тўғри талаффуз қила олмаслигидан шикоят қилишади. Ушбу товушни нутқда қўллай олмаслик ёки нотўғри талаффуз этилиши дефектология фанида ротацизм, деб аталади. Тиббий жиҳатдан ушбу ҳолатнинг келиб чиқишига тил тагидаги юганчанинг кал-

талиги, тор ва чуқур танглай, тил учини юқори тишлар томон кўтара олмаслик, тил учиди етарли даражада вибрация (титраш)нинг бўлмаслиги каби сабаблар омил бўлади. Талаффуз вақтида "р" товуши бошқа товушлар билан алмашса, бундай ҳолатга, параротацизм, дейилади. Параротацизмда "р" товуши "в" (бир-бив), "д" (ўроқ-ўдок), "й" машқур-машқуй, "л" (керак-келак, рост-лос) товушлари билан алмашинади.

Бу камчиликлар мактабгача ёшдаги, мактаб, ҳатто

дан фойдаланиш мумкин. Масалан, трактор ва мотоцикл овозига тақлид қилиш бола нутқда ушбу товушнинг тезда ўзлашувига самарали таъсир этиши амалиётда кўп исботланганди. Шунингдек, махсус машқлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Тил учини юқори тишлар томон кўтариш ва юқори тишлар ортидан бир вазиятда ушлаб туриш машқи;

2. Тил учини юқори тишлар ортида ушлаб турган ҳолда тилни тебратиш.

вомида тишлар оралиғи ёпилиб кетмаслиги, тил тагидаги юганча кўришиб туриши лозим. "Д" ёки "з" товушини кўп марта такрорлаб туриб, талаффуз вақтида тил таги юганчаси кўрсаткич бармоқ ёки логопедик зонд ёрдамида тебратилади. Бу машқлар бир неча машғулот давомида такрорланади. "Р" товуши талаффузи аниқ ҳосил бўлгач, у очиқ ва ёпиқ бўғинларда мустақамланади:

ра-ра-ра

## Mutaxassis minbari

ўрам, юрак, зирак, сурат, карам, баҳор, анор, аскар, камар, ханжар. Шунингдек, боланинг ёшини ҳисобга олган ҳолда, турли тез айтишлар ("Чархчи чархлар, қайчи ялтирар", "Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп" каби), шеър ёд олдириш, болага турли саволлар билан мурожаат қилиш (Энг кучли ҳайвон нима? — Шер, йўлбарс, бўри) ёки таркибиди "р" товуши иштирок этган ҳайвон, гуллар ва бошқа суратларни кўрсатиш ва жавобини сўраш (Жирафа, райҳон, атиргул, терак, арча, хирмон, қор, сизир, картошка, карам, тарвуз, капгир, бургут) ҳам товушнинг мустақамланишида яхши самара беради.

Ота-оналар ва тарбиячилар бола нутқини тўғри ва равон шакллантиришда ҳар бир бола билан индивидуал иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Одатда, бола 5 ёшгача "р" товушини тўғри талаффуз қилишни ўрганади. Агар кутилган вақтда натижага эришилмаса, зудлик билан мутахассисга мурожаат қилиш керак.

Мактабгача таълим муассасаларида ёки уйда кичкинтойларга талаффуз қоидаларини тўғри ўргатиш унинг умумий ўрта таълим дастуридаги фанларни ўзлаштириб кетиши, шунингдек, бутун ҳаёти давомида атрофдагилар билан бемалол муомалага киришининг гаровидир.

Мукаррам АЮПОВА,  
Низомий номидаги  
ТДПУ профессори

# НУТҚДА РОТАЦИЗМ ҲОЛАТИ

## У ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

баъзида катта ёшдаги кишиларда ҳам учрайди. Аммо, ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, агарда ота-она ўз вақтида фарзанди нутқдаги шу каби ҳолат юзасидан мутахассисга мурожаат қилса, уни бартараф этиш мумкин. Одатда, болалар 3-5 ёшдан бошлаб барча товушларни тўғри талаффуз қила олиш қобилиятига эгадир.

Тўғри, "р" товуши талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш бошқа (с, з, ш, ж, ч, к, г) товушлар талаффузидаги камчиликларни тузатишдан кўра бирмунча мураккаброқ ва кўпроқ вақт талаб этади. Уни нутқда ҳосил қилиш учун аввало, атроф-муҳитдаги товушларга тақлид қилиш, улар-

Бу каби махсус машқлар тил ҳаракатининг фаоллашувига ёрдам беради ва "р" товушини нутқда аниқ ҳосил бўлишига замин яратади.

Махсус машқлардан сўнг товушни нутқда ҳосил қилишга ўтилади. Бунда "д" ҳамда "з" товушларидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун боладан оғизни катта очишни ва тил учини юқори тишлар ортига қўйиб, "д" ёки "з" товушини талаффуз қилишга уриниб кўриши сўралади. Машқ "д"ни бир тартибда 2-3 марта такрорлашдан бошланади. Сўнг "д" товуши такрорланади. Бунда пастки жағ ҳаракатланмаслиги, фақат тил ҳаракатда бўлиши керак. Машқлар да-

ро-ро-ро

ри-ри-ри

ру-ру-ру

ар-ар-ар

ор-ор-ор

ир-ир-ир

Ушбу бўғинлар аввал логопед, сўнг бола томонидан қайтарилади. Талаффуз вақтида боланинг "р" товушини аниқ талаффуз этишига эътибор бериш керак. Шунингдек, чикармаслик керакки, кичик эътиборсизлик ҳам товушнинг нотўғри талаффузини одатий ҳола олиб келиши мумкин.

Агар бола товушни бўғинларда аниқ ва чиройли талаффуз этса, кейин уни сўзлар орқали мустақамлашга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: расм, равон, рақиб, райҳон,

# КАСБ ТАНЛАШ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧ

Дарс тайёрлаётган фарзандингизга эътибор берсангиз, у аввало, ўзи ёқтирган фандан берилган топшириқни бажаради. Дейлик, она тили ёки математикадан. Демак, мазкур фан муаллимлари уни ўз дарсларини севишга ўргата олган. Бу ҳолат саккиз-ўн икки ёшли ўқувчи билан юз бераяпти, деб қарасак, айнан шу даврда унинг касбга мойиллик хислатлари куртак отаётган бўлади.

Орадан кўп ўтмай, ҳаяжонли, тугёнларга бой ўсмирлик даври бошланиб, унинг инсон ҳаётидаги ўрнини бошқа бирон давр билан солиштириб бўлмайди. Бу даврда киши бирор нарсага меҳр қўйса, у туйғу бутун умр кишига ҳамроҳ бўлади. Хусусан, касб танлашдек жамият ва кишининг ўз ҳаёти учун ўта муҳим бўлган жараён ҳам шу даврда ўзининг ҳал қилувчи босқичидан ўтади. Бўлажак муҳандислар, шифокорлар, журналистлар, актёрлар айнан ўша вақтда «сараланади».

Дарҳақиқат, ўспиринлик ўзликни англаш ва дунёқарашнинг шаклланиш босқичидир. Бу ёшдаги йигитча ёки қиз болани «Мен кимман?», «Қандай одамман?», «Атрофимдагилар мен ҳақимда қандай фикрда?», «Ўзи нимага интилаяпман, нимани истаяпман?» сингари саволлар ўйлантириши, табиий. Агар улар шу саволларига жавоб қидириб, шунга монанд хатти-ҳаракатларни амалга оширсалар, уларни катта-

лар — опа-акалар, ота-оналар ва ўқитувчи-мураббийлари тўғри тушуниши, хатоликка йўл қўйса, руҳиятига қаттиқ таъсир этмайдиган қилиб буни тушунтириши лозим.

Шунингдек, касб танлаш жараёнини оқилна ташкил этишда мамлакатда қайси соҳа мутахассисликларига кўпроқ эҳтиёж сезилаётганлигини назарда тутиш ва шунга яраша мактаб ўқувчиларини уларнинг мойилликлари, интилишлари, қизиқишларини, ақлий ва жисмоний имконият ҳамда иқтидорларини эътиборга олган ҳолда касбга тўғри йўналтириш керак. Шунга кўра психолог, методистлар, ташхис маркази ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, йўл-йўриқлар кўрсатувчи тадбирларни тез-тез ўтказиб туришлари лозим. Психологлардан ўқувчиларнинг ақл-идроки, салоҳияти ҳамда муайян касбга қизиқиш

Fikr



даражасини аниқлаш методлари, усуллари, технологияси, шакллари, мезонлари ва таркибий қисмларни ишлаб чиқиш ва бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Модомики, пировард мақсад халққа, давлат ва жамиятга нафи тегадиган, керакли мутахассис-кадр-

ларни тарбиялаб етказиш экан, бунда ёшларнинг маълум қатламини эмас, уларнинг барчасини қамраб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мадинабону САЙДУЛЛАЕВА,  
Навий ДПИ  
педагогика факультети  
педагогика-психология таълим  
йўналиши талабаси





## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим тожик тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув кўлланимлар рўйхати

T/p	Дарслик ва ўқув кўлланим номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати
<b>1-синф</b>				
1	Алифбе (Алифбо)	М.Лутфуллоев ва б.	2011	беғул
2	Ёзув дафтари	З.Тоҳириён ва б.	2011	беғул
3	Она тили (Забони модарӣ)	Муаллифлар гуруҳи	2011	беғул
4	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Муаллифлар гуруҳи	2011	беғул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2011	беғул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2011	беғул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2011	беғул
8	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	беғул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2011	беғул
10	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2011	беғул
11	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
12	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	беғул
13	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
<b>2-синф</b>				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т.Чориев	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж. Эшонқулов	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	Қ.Абдуллаева ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исақова ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
<b>3-синф</b>				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2010	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	Т. Чориев	2010	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю. Азимов	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2010	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исақова ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
<b>4-синф</b>				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара
2	Она тили (Забони модарӣ)	А.Зоҳидов	2011	ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ҳ.Сабоҳий ва б.	2011	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
5	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
6	Табиатшунослик	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
7	Одобнома	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2011	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара
10	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
11	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	
12	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди
<b>5-синф</b>				
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
2	Тоҷик тили (Забони тоҷики)	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
4	«Гулистони адаб» (мажмуа), 5–6-синф	А.Қамарзода	2007	кутубхона фонди
5	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара
7	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара
8	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара
9	Тарихдан ҳикоялар	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
10	Математика	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2008	ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара
13	География	П.Фуломов ва б.	2011	ижара
14	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
15	Мусиқа	А.Мансуров ва б.	2011	
16	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2011	
17	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2011	

18	Жисмоний тарбия (5–6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2011	
19	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
<b>6-синф</b>				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Тоҷик тили (Забони тоҷики)	М.Кабиров ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	С.Саъдиев ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2009	ижара
8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2009	ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
15	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
16	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
17	Жисмоний тарбия (5–6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди
<b>7-синф</b>				
1	Ўзбек тили	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Тоҷик тили (Забони тоҷики)	А.Воҳидов ва б.	2009	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	З.Тоҳириён ва б.	2009	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2009	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2009	ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
11	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2009	ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2009	ижара
14	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
15	География	П.Фуломов ва б.	2009	ижара
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2005	кутубхона фонди
19	Конституция оламига саёҳат	В.Костецкий	2007	кутубхона фонди
20	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2007	кутубхона фонди
21	Жисмоний тарбия (7–8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
<b>8-синф</b>				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2010	ижара
2	Тоҷик тили (Забони тоҷики)	Т.Чориев ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўқор ва б.	2011	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
19	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия (7–8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим тожик тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув кўлланмалар рўйхати**

9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	М.Кабиров ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	Ж.Ҳамроев	2010	ижара
4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадахўжаева ва б.	2010	ижара
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
16	Кимё	И.Асқаров ва б.	2010	ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
19	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Муаллифлар гуруҳи	2011	ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди

10-синф				
1	Ўзбек тили	М.Тўхтамирзаев	2007	кутубхона фонди, очик савдо
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	А.Воҳидов ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
3	Адабиёт	С.Саъдиев ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
5	Инглиз тили	Ж.Жалолов	2007	кутубхона фонди, очик савдо
6	Немис тили	Б.Зардинова	2007	кутубхона фонди, очик савдо
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
8	Ўзбекистон тарихи	Д.Алимова ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
9	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2007	кутубхона фонди, очик савдо
10	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
11	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
12	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
13	Геометрия	А.Погорелов ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо

14	Физика	М.Шахмаев ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
15	Кимё	Г.Рудзитис ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
16	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Абдуқодиров	2007	кутубхона фонди, очик савдо
17	Умумий биология	Ё.Тўрақулов ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
18	Амалий география	А.Рафиқов ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
19	Чақириқча ёшларни тайёрлаш (10—11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
20	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10—11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
21	Жисмоний тарбия (10—11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо

11-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2005	кутубхона фонди, очик савдо
2	Тожик тили (Забони тоҷикӣ)	М.Кабиров	2005	кутубхона фонди, очик савдо
3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
4	Русский язык	Р.Талипова ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
5	Ўзбекистон тарихи	Н.Жўраев	2006	кутубхона фонди, очик савдо
6	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоят	2006	кутубхона фонди, очик савдо
7	Ҳуқуқшунослик	В.Костецкий ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
8	Инсон ва жамият	Н.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
9	Алгебра ва анализ асослари	Ш.Алимов ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
10	Геометрия	А.Погорелов	2005	кутубхона фонди, очик савдо
11	Физика	М.Шахмаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
12	Астрономия	М.Мамадазимов	2005	кутубхона фонди, очик савдо
13	Кимё	А.Муфтахов	2004	кутубхона фонди, очик савдо
14	Инглиз тили	Ж.Жалолов ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
15	Немис тили	Б.Зардинова	2005	кутубхона фонди, очик савдо
16	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
17	Умумий биология	А.Ғофуров ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
18	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	Б.Болтаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
20	Иқтисодиёт ва бизнес асослари	Э.Сариқов ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (10—11-с.)	Қ.Назаров ва б.	2007	кутубхона фонди, очик савдо
20	Жисмоний тарбия (10—11-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо
21	Чақириқча ёшларни тайёрлаш (10—11-с.)	Ҳ.Жўраев ва б.	2005	кутубхона фонди, очик савдо

Мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллаган қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Бунда қишлоқ хўжалигига иқтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республика-миздаги 120га яқин мазкур йўналишдаги касб-хунар коллежларига ўқув-тажриба учун белгиланган тартибда ер майдонлари ажратилган. Ушбу майдонлардан касб-хунар коллежи ўқувчилари ернинг табиий унумдорлигини йилдан йилга ошириб бориш, ер, сув, техника, маҳаллий ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш, маданий ўсимликларнинг серхосил, янги навларини яратиш, фермер хўжалиқларини илмий асосда ишлаб чиқилган самарали технологиялар билан таъминлаш ва уни қишлоқ хўжалиги амалиётига татбиқ қилиш каби йўналишларда назарий билим ва малакаларини ошириб бормоқдалар.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА АМАЛИЁТ УЙГУНЛИГИ

**таълим самарадорлиги омилidir**

Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Идораъий метерологик назорат хизмати, Тошкент вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларининг ўқув-тажриба хўжалиқларида ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусидаги ўқув-амалий семинарда ҳам назария билан амалиётни уйғунлаштиришга алоҳида урғу берилди. Мазкур йўналишдаги барча коллеж раҳбарлари ва уларнинг касбий таълим бўйича ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалардаги ишлаб чиқариш бўйича масъул ходимлар иштирок этган ўқув семинарида дастлаб иштирокчилар мезбон ўқув

муассасасининг ўқув-тажриба хўжалиги, устахоналари ҳамда эришган ютуқлари билан танишиб чиқдилар.

Таъкидлаш жоизки, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ушбу ўқув муассасаси таянч ўқув юрти деб белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу масканда 681 нафар

### О'quv-seminar

ўқувчи ветеринария, ўсимлик-шунослик ва чорвачилик бўйича фермер хўжалиги ташкил этиш ва юритиш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш, ўсимликшунослик фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, чорвачилик фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш каби

йўналишларда таҳсил олмоқда.

Тадбирда ўқув-тажриба хўжалиги синов майдончасида олиб борилган ишлар кўрсаткичлари ва самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалиги техникаларидан таълим жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ошириш, 2011 йилда ўқув-тажриба хўжалиқларида қишлоқ хўжалиги экинлари экиш режа-лойиҳасини ишлаб чиқиш, етиштирилган экин турлари ҳосилидан олинган даромаднинг молия режасига асосан таълим муассасалари бухгалтериясига кириш қилиниши ва улардан мақсадли фойдаланиш каби қатор мавзуларда маърузалар тингланиб, ўқув-тажриба хўжалиқлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларида коллеж моддий-техника базасидан

унумли фойдаланиш ва етиштирилган маҳсулотлар самарадорлигини ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга Қибрай қишлоқ хўжалиги, Шаҳрихон агросаноат ва Чиноз агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежларининг тажрибалари ўртоқлашилди. Ўз навбатида айрим коллежларнинг бу борадаги йўл қўйган хато ва камчиликлари танқид қилинди.

— Тажриба хўжалиқларида олиб бориладиган машғулотлар таълим самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади, — дейди коллеж директори Икром Нуритов, — чунки, амалиёт назарий билимларни амалиёт жараёнида тўлдиришга, бойитиш ва синовдан ўтказишга ёрдам беради. Бугунги ўқув-семинарнинг асосий мақсади ҳам ушбу майдонлардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилди.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**  
"Ma'rifat" мухбири

Кўприklar узоғимизни яқин қилувчи, элларни элларга, юртларни юртларга боғловчи восита. Транспорт саноати жадал суръатларда ривожланиб бораётган XXI асрга келиб, кўприklar қурилишига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Ушбу қурилма замон ва макон тушунчаларига мос равишда доимий такомиллашиб, тобора ҳашаматли ва сержило, энг муҳими, мустаҳкам бўлиб сайқал топмоқда.

Кўприklar — дарё, канал, жар ёки бошқа жойлар устида қуриладиган йўл экани барчамизга маълум. Бу йирик ва ўзига хос меъморий ечимга эга иншоотнинг асосий вазифаси — автомобиль, темир йўл ва пиёдаларга хизмат кўрсатиш, мушуқлини осон қилиш, олис масофани яқинлаштириш, турли тирбандликларнинг юзга келмаслигини таъминлаш ва турли йўл ҳалокатлари олдини олишдир. Улар жойлашишига кўра, шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги йўлларда қуриладиган кўприklarга ажратилади.

Бугунги замонавий темир-бетонли кўприklarнинг узунлиги ўнлаб километрга етиши эътиборлидир. Шунингдек, ҳозирда йиғма кўприк конструкцияларидан кенг фойдаланилапти. Бунда йиғма элементларни бирлаштириш ва бир маромга келтириш усули қўлланилмоқда. Мазкур иншоотнинг тузилишига сайқал бериш, оралик юзасини кенгайтириш мақсадида пўлат, энгил қотишма ва бетон аралашмасидан таркиб топган металл ҳамда аввалига бироз ишончсиз бўлган парчин миҳли бирикмалар ўрнига пишиқ ва пухта пайванд бирикмалари яратилди. Айтиш мумкинки, замонавий кўприklar ўз салобати билан қанчалик ҳайратимизни оширмасин, улар чиндан ҳам кўҳна мозийнинг жуда қадимий ихтироларидан биридир.

Дунёдаги энг биринчи кўприк қачон, қаерда, қандай материаллар ёрдамида бино қилинган кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тарихий манбаларда келтирилишича, Қадимги Римда бунёд этилган Понте де Тиберио кўприги энг «кекса» кўприк экан. Табиийки, у барча ибтидоий йўл «боғловчи»лари сингари ёғочдан ясалган. Ўша давр кўприklари қурилишида сувга (ёмғир, қор мавсумларида) чидамли бўлиши учун асосан ёнғок, чинор, эман каби дарахт ёғочларидан фойдаланилган.

Кейинчалик кўприк қурилишида тошлардан фойдаланила бошланган. Бунга сабаб — сел-тошқинда ёғочларнинг оқиб кетиши ёки ёв ҳужуми пайтида тахта кўприklarнинг осонгина ёқиб юборилиши бўлган. «Википедиа» интернет манбасида келтирилишича, энг биринчи тошкўприк эраמידан аввалги VI—IV асрларда қурилган. Аввалига қирра тошлардан кўприklarнинг фақат тиргак қисмини ясашда фойдаланилган. Бироқ сал ўтиб, кўприklar тўлиқ тошлардан қуриладиган бўлди.

Римликлар тошли кўприklar қуришни биринчи бўлиб бошлаб, янги қулайлик яратишди. Яъни, кўприklarнинг устки қисмини ҳам ёпишни йўлаб топилди.

Интернет манбаларида келтирилган маълумотларда айрим кўприklar шаҳарларни сув билан таъминловчи махсус қувурлар устига қурилганини тасдиқлайди. Римлик тарихчи олим Секст Юлий Фронтин қайдномаларида келтирилишича, сув қувурлари Римнинг улугвор тарихида алоҳида ўринга эга. Ўша даврларда бунёд этилган кўприklarнинг

ра оладиган ўта мустаҳкам кўприklar қурилишини заруратга айлантирди. Шу залда кўприklar қуришда асосий хомашё бўлиб турган чўяну темир ўрнини бора-бора зангламас пўлат эгаллади. 1877 йили франциялик машҳур меъмор Густав Эйфель Португалиядан оқиб ўтувчи Дору анҳори устида куйма пўлат кўприк қуриб, унинг қанчалик афзалликларга эгалигини намойиш этди. Бу кўприк анҳор сувидан 160 метр баландда қад ростлагани ҳайратланарлидир.

XIX аср охирида Европа қитъасида Н. Белелюбско лойиҳаси асосида яратилган Волга дарёси орқали Сизранигача бўлган масофани қамраб олган йирик кўприк бунёд этилди. Бу ўз вақтида сайёрамизнинг энг узун кўприги номини олганди.

Шотландияда 1890 йилда ишга тушган машҳур «Фарт



Bilasizmi?

нишга топшилди. Бунинг сабабларидан бири шуки, Япония ҳудуди фаол сейсмик зона саналади. Айнан шундай мураккаб ҳолат кўприklarнинг узок муддатда қуриб битказилишига сабаб бўлгани турган гап. Маълумотларга кўра, «Акаши Каико» асосан Хонсю ва Сикоку оролларида қатновчи юк ташиш транспортларига қулай-

Янги кўприк эни аввалгисидан деярли 4 марта кенг бўлиб, 26 метрга етди. Унда пиёдалар учун йўлаклар ажратилди. Кўприк баҳонасида унга туташ йўлнинг 66 метрлик қисми ҳам замонавий иншоотга мос равишда реконструкциядан чиқарилди.

Шу йили Бухоро вилояти Когон тумани ҳудудидан ўтувчи Параллел коллектори устида ҳам лойиҳа-смета қиймати 542,9 миллион сўм бўлган кўприк барпо этилди.

Бугун Тошкенти азимнинг ҳар қадамида учрайдиган кўприklarнинг қурилишига, замонавий салобатига таҳсин ўқимай илож йўқ. Уларни автомобиллар серқатнов кўчаларда, анҳорлар устида ва ҳатто метрополитен йўлларида ҳам учратиш мумкин. Ҳолбуки, кўприklar шаҳарсозликнинг янги босқичга кўтарилганидан ҳам дарак беради.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда янги қурилган ҳамда қайта таъмирланган йўлларнинг умумий ҳажми 3 минг 200 километрни ташкил этади. Йилига ўртача ҳисобда 150 километрдан ортиқ янги йўллар қуриляпти. Ҳозирда республикамиз бўйича барпо этилиб, фойдаланишга топшилган йирик кўприklar сони 500taga яқин.

Умумий узунлиги 67 километрдан иборат Катта халқа йўлининг қурилиши билан транзит юкларнинг Тошкент шаҳрига кирмасдан олиб ўтиш имкони яратилди. Катта халқа йўли узунлиги 3 минг 372 метргача бўлган масофани ташкил этувчи 22 кўприк ҳамда йўлўтказгичлар жамланган ноёб муҳандислик иншооти саналади. Бир кунда бу йўл бўйлаб 50 мингtaga яқин транспорт воситалари ўз манзиллари сари ошиқади.

Кичик халқа йўлининг қурилиши эса транспорт қатновини изчил йўлга қўйиш, турли йўл ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида барпо этилган бунёдкорлик ишларидан бири саналади.

Илдизи олис ўтмишга бориб тақалувчи диёримизда кўприklar жуда кўп, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга, меъморий услубига ва ўрнига эга. Уларнинг тузилиши ёки юртдошларимиз қорига яраётгани борасида узоқ гапириш мумкин.

Инсон қадим-қадимдан сув устига йўл қуриш, коинотга «нарвон» билан чиқиш каби ажойиб ва бироз ғайритабиий ҳаёллар билан яшайди. Айнан шундай ғайритабиийлик уни турли кашфиётларга, ихтиролар қилишга ундайди. Шу хусусияти туфайли ҳам одамзод дунё ичра янги дунёларни очди.

Шаҳина Жўраева  
тайёрлади.

## ЁҒОЧДАН ТЕМИР-БЕТОНГАЧА

аксарият қисми то ҳозирги кунларгача аҳолига хизмат қилиб келаётгани уларнинг нечоғлик пишиқ ва мустаҳкам ишланганига исботдир.

Ўрта асрларда дунё бўйича ялпи ривожланиш жараёни юзга келди, ҳаётнинг турли жаҳалари қатори савдо-сотик соҳаси ҳам катта янгиланишларга юз тутди. Бу жараён табиий равишда илм-фанда ҳам ўзига хос кашфиётларга асос бўлди. Олимлар цементдек ноёб қурилиш хомашёсини кашф қилдилар. Бу восита кўприк қисмларини бир-бирига бириктиришда қўлланилиб, пухта ишланган кенг кўприklar қурилишига замин яратди. Цемент кўприк муҳандислиги соҳасида ҳам ижобий ислохотларга асос бўлди. Ўша даврларда қурилган энг узун кўприк 70 метрни ташкил этарди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ёзилишича, XVIII асрда кўприklarни қуришда илк маротаба металдан фойдаланилди. Башарият тарихидаги биринчи металл кўприк 1779 йили Буюк Британиянинг Колбрукдейл шаҳридан оқиб ўтувчи Северн дарёси устида бунёд этилган. Унинг умумий узунлиги (сув йўли юзасидан) тахминан 30 метрни ташкил этган. Тиргаклари чўяндан ишланган ушбу қурилманинг диққатга сазовор қисми нақшинкор равоқлари эди.

Lib.ru сайтида берилган маълумотларга кўра, XIX асрда темир йўллар ихтиро қилиниши катта миқдордаги огирликни узоқ вақт бемалол кўта-

бриж» темир йўл кўприги таъкил архитекторлар — Бенжамин Бэйкер ва Жон Фаулер лойиҳасига мувофиқ қурилганди. Айни дамда ярим километрли бу кўприкдан бир кеча-кундузда икки юздан ортиқ поезд қатнайди. Бундан ташқари, Фёрт-оф-Форт орқали ўтган ушбу кўприк йилига 50 мингtaga яқин аҳолига хизмат қилади. Ажабланарлиси, у 10 миллион



тонна огирликдаги юкни кўтариш имкониятига эга.

Шарқда ҳам кўприк қуриш санъат даражасига кўтарилган, десак муболага бўлмайди. Jnto.go.jp манбасида келтирилишича, «Кинтай» кўприги Япониянинг энг қадимий ва ҳашаматли бунёдкорлик намуналаридан биридир. Ивакуни шаҳридаги иншоот 1673 йилда қурилган. Япония ҳукумати 1953 йилда кўприкни қайта таъмирлади ва ҳозирги кунда у «самурайлар»нинг диққатга сазовор қадамжоларидан бири сифатида маҳаллий аҳоли ва, айниқса, сайёҳлар эътиборини тортаяпти.

Бундан ташқари, Японияда ўз салобати, моҳирона меъморий ечими ва қадимийлиги билан ажралиб турувчи яна бир кўприк бор. Бу — «Акиши Каикио» осма кўприги. Шунини алоҳида айтиш керакки, у ҳозирча Ер шаридаги энг узун осма кўприк ҳисобланади. Акаси бўғозидан кесиб ўтувчи ушбу ноёб қурилманинг умумий узунлиги 3911 метрни ташкил этади. Замонавий дизайндаги кўприк қурилиши 1988 йилда бошланганди. Орадан ўн йил ўтиб, 1998 йилнинг 5 апрелида у фойдала-


лик яратиш мақсадида қурилган.

Юртимизда ҳам азал-азалдан йўлсозлик, кўприklar қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Бунга соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан Буюк ипак йўлида қурилган йўл ва кўприklar мисол бўла олади. Манбаларда таъкидланишича, Алишер Навоий бобомиз ҳам ўз маблағлари-

дан асосан кўприklar қуриш орқали аҳоли узоғини яқин қилишга сарфлагани ибратдир. Мустақиллик йилларида аҳоли турмуш-тарзини яхшилаш, уларга янгидан-янги қулайликлар яратиш мақсадида йўлсозлик соҳасида ҳам кенг қўлланилган ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз бўйича йирик магистрал йўллар барпо этиш, халқаро транзит транспорт йўллари тизимини такомиллаштириш, йўл ҳўжалиги соҳасида замонавий техник воситалардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Амударё ва Сирдарё устидан ўтган кўприklar нафақат мамлакатимиз, балки халқаро юк ташиш тармоғида ҳам муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, «Тошғузор — Бойсун — Қўмқўрғон» темир йўли устида энг сўнги меъморчилик андозаларида қурилган кўприк бугун юртдошларимиз хизматида. Ўтган йили «Ғузор—Бухоро—Нукус—Бейнов» автомобиль йўлининг 237-километрдан ўтувчи Зарафшон дарёси устидаги кўприк таъмирланди ва замонавий қиёфа касб этди.



## ГЕНЕТИК САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Олимлар иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) тарқалиши ва ОИТС шаклланишига баъзи инсонлар организмда кузатиладиган кучли табиий қаршиликнинг генетик сабабларини аниқлашди. Изланиш тўфайли касалликка қарши янги дори-дармонлар ишлаб чиқилишига асос яратилди, дейилади «Нейчэ Ньос» газетасида.

Тадқиқотда мингга яқин тиббиёт тилида «ОИВ назоратчилари» номи билан юритиладиган инсонлар геномлари ўрганилган. Мутахассисларнинг изоҳлашича, бундай одамлар организмда касаллик бўлса-да, уларнинг иммунитет тизими вируснинг кўпайишига қарши курашиш хусусиятига эга экан. Изланиш пайтида эса бу каби беморлар иммунитетидеги оқсил тузилишида учрайдиган ўзига хосликлар ўрганилиб, ўз навбатида улар касалланган ҳужайраларни аниқлаши белгиланди.


Аслида қонда вирус бўлса ҳам бошқаларга нисбатан тетик юрадиган бундай инсонлар организмдаги ўзига хосликларни ўрганиш 2006 йили бошланганди. Уларнинг ДНКсини кенг қамровли тадқиқотга Массачусетс марказий шифохонаси (АҚШ) етакчи ходими Брюс Уолкер раҳбарлик қилди. Маълумотларга кўра, касаллик вирусига қарши табиий чидамлик ҳар 300 нафар бемордан биттасида кузатилади.

— Биз бутун дунё шифокорларини ҳамкорликда ишлашга таклиф этиб, улар томонидан аниқланган «вирус назоратчилари»ни ўрганиш асосида маълумотлар базасини яратишга муваффақ бўлдик, — деди мутахассис.

Тажрибаларда олимлар бутун генлар таркибидеги ДНКларнинг жузъий ўзгариш тўфайли ҳосил бўлган кўринишларини ўрганиш. Сўнгра статистик таҳлил ёрдамида бу ўзгаришлар билан инсон организмдаги вирусга қарши чидамлик хусусияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга уринган. Яқунда эса инсон геномидаги HLA-B номли оқсил таркибидеги бўлган аминокислоталар вируснинг кўпайишига йўл қўймаслиги аниқланди.

— HLA-B оқсили вирус зарарлаган ҳужайрани аниқлаб, иммунитет тизими таъсирини унга йўналтириш хусусиятига эга экани тажрибада маълум бўлди, — деди Брюс Уолкер. — Натижада, касаллик тарқатиши мумкин бўлган ҳужайра қисмлари мембрана юзасига чиқарилиб, нобуд этилади ва шу тариқа вируснинг бутун организмни эгаллашига йўл қўйилмайди.

Олимлар тадқиқотларини давом эттиришмоқда. Улар тез орада оқсилнинг ишлаш механизминини янада батафсил ўрганиб, иммунитет тизимининг инсон организмдаги вирусга қарши чидамлигини оширувчи дармонлар ишлаб чиқаришни режалаштирган.



## КЎЗ МИКРОЧИПИ


Немис олимлари томонидан ўта сезувчан кўз имплантанти яратилди. Мазкур илмий янгилик эндиликда кўз пардасининг нур ва ранглarga таъсирчанлиги бузилиши тўфайли кўзатиладиган кўзи ожизлик касаллигини даволашда кўл келади. «Просидингз оф Роял сосайети» журналида бу ҳақда батафсил маълумот берилган.

Германиядаги Тюбинген университети олимлари ишлаб чиққан имплантанти тўфайли ёруғлик ва катта объектларни ажратолмайдиган инсонлар 15 йилдан сўнг кўриш бахтига муяссар бўлган. Тажрибада қатнашган бир неча кўнгилилар бир ҳафталик махсус машқлардан сўнг жисмларнинг шакллари аниқ кўра бошлади. Иштирокчиларнинг яна бир қисми эса микрочипни кўзга жойлаштириш операциясидан 2 ҳафта ўтгач, турли майда нарсаларни ҳам бемалол кўра олган.

Микрочип 3x3 миллиметрли микросхема шаклида бўлиб, унга 1,5 мингта ўта сезувчан элементлардан иборат ташкилий қисмлар жойлаштирилган. Мутахассисларнинг айтишича, айнан шу ўта сезувчан элементлар бош мия билан боғланган асаб тоналарига импульслар жўнатади. Бунинг учун имплантанти кўз тўр пардаси остига жойлаштирилади. Этиборлиси, бу борадаги аввалги қатор тажрибаларда микрочип тўр парда устига жойлаштирилгани боис муваффақиятсиз кечганини ҳам олимлар таъкидлашган.

— Айтиш жоизки, янги ускуна ҳамма кўзи ожиз инсонларга ҳам ёрдам бера олмайди, — деди Тюбинген университети қошидаги Тиббий марказнинг Кўз жарроҳлиги бўлими бошлиғи Эберхарт Зреннер. — Аниқроғи, кўриш нерв толаси ёки ушбу функцияни бажарувчи бош мия қисмидаги жароҳат тўфайли кўз нурини йўқотган беморларга имплантанти фойда бермайди.

Ҳозирча тажрибада қатнашган кўнгилилар операциядан сўнг тасвирни тиклаштириб берувчи махсус кўзойнақлар тақиб юрар экан. Қолаверса, айна пайтда мутахассислар микрочипни кўз тўр пардасига энг мақбул ҳолатда жойлаштириш борасидаги тажрибаларни давом эттирмоқда.



Ёнғиннинг қандай содир бўлиши ва кўнгилисиз оқибатларга олиб келишини барчамиз яхши англаймиз. Мамлакатимизда 15 ноябрдан 15 декабргача ёнғин хавфсизлиги ойлиги муваффақиятли якунланди. Бироқ этиборсизлик ва лоқайдлик оқибатида баъзан ёнғин ҳолатлари учраб туради. Ваҳоланки, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа жамоатчилик жойларида вужудга келадиган «тилсиз ёв» билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг оқибати биз ўйлагандан ҳам аянчироқ яқун топади. Шунинг учун, барчамизга бирдек қувончли айём — Янги йил байрами олдида қадрли юртдошларимизни яна бир

## БАРЧАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

бор огоҳликка даъват этиб, ёнғин хавфсизлигига оид баъзи кўрсатмаларни эслатиб ўтмоқчимиз:

— бино ва асосий хизмат хоналарини бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш;

— ҳудудни бирламчи ёнғин ўчириш қалқони ва техник воситалар билан таъминлаш;

— сув иситиш қозонхонаси ва бинони иситиш мосламаси дудбўронларини ўз вақтида тозалаш;

— бинонинг қутқарув

йўлларида ёнувчан буюмларнинг сақланишига йўл қўймаслик;

— бино ва хоналарда кўлбола газ иситиш мосламаларини ўзбошимчалик билан улаб олишга йўл қўймаслик;

— электр ва электр иситиш мосламаларини доимий соз ҳолда сақлаш;

— электр симлар қобиғининг чидамлигини текшириб туриш;

— бино ва хизмат хоналарига ёнғиндан огоҳлантирувчи ахборот ва рангли плакатлар осиб қўйиш даркор.

2010 йилнинг ўтган даври мобайнида содир бўлган ёнғинларни кузатар эканмиз, уларнинг аксарияти электр сим ва кабеллар қобиғининг электр токига қарши чидамлиги синовдан ўтказилмагани, иситиш печларининг фойдаланишига яроқсиз ҳолатда ишлатилиши, дудбўронлари бўлмаган электр печларини ишлатиш ҳамда газ мосламаларининг ўчирилмай қолиши

01

## ЕРНИНГ МУЗЛАШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ

Океанортилик олимлар изланишлар пайтида карбонат ангидрид Ер атмосферасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири эканини ва, у бўлмаса, сайёрамиз музлаб қолиши мумкинлигини аниқлашди. Мавзуга бағишланган мақола «Сайнс» нашрида чоп этилди.

Мутахассислар авваллари сув буғи «иссиқхона буғлари» номини олган жараён кузатилишининг асосий омилларидан эканини таъкидлашганди. Негаки, атмосферадаги бошқа газларнинг концентрацияси пастлиги боис уларнинг таъсири нисбатан пастроқ. Лекин бу жиҳат карбонат ангидридга хос эмас экан. Негаки, НАСAnинг Годдар номидаги самовий тадқиқотлар институти олимлари тажрибаси карбонат ангидрид яна Ер юзасидаги ҳароратни белгилашни ҳам кўрсатди.

Иқлимшунослар Ер атмосферасидан карбонат ангидрид буткул чиқариб ташланса, сайёрамиз ҳарорати қандай бўлишини илмий тахмин асосида таҳлил қилишди. Бунда иссиқхона буғларига сабаб бўлган у ёки бу газнинг атмосферада бўлиши кўзда тутилган иқлим ўзгаришининг математик моделларидан фойдаланилган.

— Натижалардан айнан карбонат ангидрид концентрацияси орқали атмосферада қанча миқдорда сув буғи борлиги белгиланиши маълум бўлди, — деди тадқиқочилар гуруҳи раҳбари Рето Руэди. — Шунингдек, парник газлари, хусусан, карбонат ангидрид ҳисобига юзага келадиган радиацион форсинг (ер трапосферасининг юқори чегарасидан ўтадиган иссиқлик оқими миқдори) тўфайли атмосфера ҳарорати бир меъёрда тутиб турилади. Агар мазкур жаддаллашиш жараёни кузатилмаса, сайёрамизнинг катта қисми муз билан қопланиши мумкин.

Моделлардаги ҳисоб-китоблар Ер юзасидаги ўртача ҳарорат карбонат ангидрид «йўқолгач» бир йилдан сўнг 4,6 даражага тушишини кўрсатди. Кейинги 10 йил ичида ҳарорат кескин равишда тушиши давом этиб, 40 йилдан сўнг 21 даражага паст бўлади. Бунда океанларнинг учдан икки қисми муз билан қопланиб, фақат тропик ҳудудлардаги сув ҳавзалари ҳамон сақланиб қолиши мумкин экан.

Шу билан бирга, тажрибадан атмосферадаги карбонат ангидрид геологик вақт оралиқларида Ер ҳароратига таъсир кўрсатгани ҳам аниқланди. Бунга далил сифатида олимлар 650-750 миллион йил илгари тропик ўрмонларда музликлар пайдо бўлганини кўрсатишмоқда. Ундан кейинги миллион йиллар давомида эса вулқонларнинг фаоллашуви тўфайли атмосферада «иссиқхона буғлари» вужудга келган ва тропик ҳудудлардаги музлар эриган.



## ИННОВАЦИОН САМОВИЙ АППАРАТ

Финляндия метеорология институти берган маълумотларга кўра, яқин йилларда ўзига хос техник кашфиёт ҳисобланган ва Куёш шамоли ёрдамида ҳаракатланувчи самовий кема мамлакат тадқиқотчилари томонидан космосга учурилади. Агар фин олимлари мазкур ишни амалга оширишининг урдасидан чиқишса, улар инсон томонидан яратилган энг тезкор қурилмани яратган бўлади, дейилади «Компьюлента» манбаси.

Аслида бу борада 2006 йили — Финляндия метеорология институти тадқиқотчиси Пекка Янхунен космосда ҳаракатланишининг янгича принципини таклиф этган экан. Унга кўра, самода Куёшдан келадиган ионли зарралар оқими, яъни, Куёш шамоли ёрдамида ҳаракат қилиш кўзда тутилган.


— Самовий аппаратга узунлиги 20 километрли кўлаб (тахминан 50-100та) металл симлар уланган бўлади, — деди ғоя муаллифи. — Этиборлиси, уларнинг қалинлиги атиги 25 микронга тенг (қиёслаш учун маълумот: инсон соч толаси 40-110 микронга тенг бўлади).

Мутахассиснинг айтишича, самовий қурилмадаги куёш батареяларида ишлайдиган электрон ускуна ёрдамида симларда ўта катта ҳажмдаги ток ишлаб чиқилади. Бир хил зарралар бир-биридан итарилиши боис Куёш протонлари аппаратни узоқроқ масофаларга ҳаракатланиши учун имкон яратади.

Таъкидланишича, мазкур қурилманинг оғирлиги 1 тонна атрофида бўлиб, у секундига 30 километргача тезликда ҳаракатланиш қувватига эга бўлади. Ундаги ёрдамчи аппаратлар эса бундан-да, тезроқ ҳаракатланиши ва Куёш сайёралар тизими чегарасига атиги бир неча йилда етиб бориши кутиляпти.

Шунингдек, маълум қилинишича, ғояни «ESAIL» лойиҳаси доирасида амалиётга татбиқ этиш учун Европа иттифоқи томонидан 1,7 миллион евро маблағ ажратилган. Лойиҳага биноан эса яқин йилларда Эстония ва Финляндия ҳамкорлигида 2та сунъий нанойўлдошлар космосга учурилади.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



оқибатида вужудга келганига гувоҳ бўламиз. Бу эса бошимизга тушаётган кулфатларга, аввало, ўзимиз шарт-шароит яратишимизни яна бир бор исботлайди. Ҳар қандай вазиятда огоҳликни унутмаслигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз даркор. Энг асосийси, оиламиз тинчлиги, хонадонимиз фаровонлиги, аввало ўзимизга, шахсий мулкимизга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишимизга боғлиқлигини унутмайлик!

Жалол АСҚАРОВ,  
Миробод тумани Ёнғин  
хавфсизлиги бўлими  
бошлиғи

Хар бир халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган кийиниш маданияти, урф-одатлари ва миллий таомлари бўлади. Мана шу ўзгачалик доимо бошқа халқларда қизиқиш уйғотиб келган. Айниқса, турфа таом ва таъмлр инсонлар эътиборини тортади. Сергели саноат касб-хунар коллежида бўлиб ўтган «Словакия миллий таомлари, ўзига хос хусусият ва тайёрлаш технологияси» мавзuidaги илмий-амалий анжуман ҳам ана шу қизиқиш ва эътиборнинг исботи сифатида гоят қизиқарли ва жўшқин руҳда ўтди.

Тадбирда Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамдўстлик ва маданий-маърифий алоқалари жамияти

кенгаши «Ўзбекистон-Словакия» дўстлик жамияти ходимлари ҳамда мазкур коллежда ресторан ва меҳмонхона бизнеси мутахассислиги бўйича тахсил олувчи ўқувчилари иштирок этди.

Хорижий мамлакатлар

нан ўқувчиларга Словакия миллий таомларининг технологияси ҳақида етарли билим бериш эди. Тадбир аввалида икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқалар «Словакия Республикаси: тарихи, маданияти ва таълим тизими» мавзuidaги видео-

кўплаб ўзим билмаган таомларни тайёрлаш технологиясини ўзлаштирдим, — дейди касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Н.Куланов. — Дарсларда ўтилган, аммо ҳали амалда тайёрлаб кўрмаган овқатларнинг технологиясидан

## Anjuman

мат қилди, десам бўлади. Биз миллий таомларни тайёрлаш жараёнини яхши ўзлаштирганмиз. Аммо ҳали бошқа халқларнинг таом ва салатларини тайёрлаш борасида билимимиз етарли эмас эди. Айниқса, жараёнда пиллоқ қўшиб тайёрланган салатни мустақил тайёрлаш иштиёқи пайдо бўлди. Олхўрили ширинликларнинг таъмидаги ўзгачалик кўпчилик ўқувчиларни қизиқтирганини кўзатдим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур илмий-амалий анжуманнинг аҳамияти жуда катта бўлди.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## ЁШ ОШПАЗЛАРНИ ЯНГИ БИЛИМЛАРГА ОШНО ЭТДИ

овқатларини тайёрлаш технологияси фанидан амалий машғулот вазифасини бажарган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ай-

лавҳалар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Сўнгра Словакиянинг миллий ошхонаси ҳақида маълумотлар берилди.

Шундан сўнг тадбирнинг амалий қисми бошланди. Биринчи ўринда, байрам дастурхони миллий тартибда безатилди. Коллеж ўқувчилари бу жараёнда фаол иштирок этиши уларнинг машғулотга қанчалик даражада қизиқаётганини кўрсатиб турди. Сўнгра миллий овқатларни тайёрлаш тартиби кўрсатилиб, рецеплар билан таништириб ўтилди. Таомлар орасида ҳар хил салатлар, димланган ва қовурилган овқатлар, шунингдек, шоре ҳамда суюқ ошлар жой олганди.

— Бугунги анжуманда

бохабар бўлдим. Шунингдек, анжуман хорижий мамлакатларнинг миллий таомлари тўғрисидаги билимларни чуқурлаштиришга хиз-



Bugun mamlakatimizda imkoniyati cheklangan bolalarni sog'lom bolalar qatoriga qo'shish, ta'lim-tarbiya jarayoniga jalb qilish va moslashtirish borasida bir qancha loyihalar amaliyotga joriy etilmoqda.

Bu xususda ma'lumotga ega bo'lish maqsadida maktabgacha muassasalar xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish Respublika o'quvmetodika markazi metodisti Zuhra Umarova bilan suhbatda bo'ldik.

— Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni inkluziv guruhlariga qabul qilishda ularning soni va yoshi muhim ahamiyatga ega. Har bir guruhga bir turdagi nuqsonli bolalarni jamlash ta'lim-tarbiya jarayonining qulay va oson kechishini ta'minlaydi, samaradorlikka erishiladi.

— Inkluziv guruhlariga qabul qilinayotgan bolalarning yoshi 3,5-8 yoshni tashkil etadi. Har bir guruhda rivojlanishi me'yoriy bo'lgan bolalar 60 foiz, eshitish, ko'rish va aqliy rivojlanishida nuqsonli bo'lgan bolalar 20 foiz, ruhiy rivojlanishi sustlashgan va nutqida nuqsonli bo'lgan bolalar 20 foizdan oshmasligi talab etiladi. Guruhdagi bolalarning umumiy soni 15 nafargacha bo'lishi maqsadga muvofiq. Integratsiyalashgan maktabgacha ta'lim muassasasi va inkluziv guruhlarda pedagoglar (tarbiyachilar, logopedlar, defektologlar), psixolog va shifokor (nevropatolog, bolalar psixiatri)larning o'zaro hamkorligi, birgalikda ish yuritishi talab etiladi. Mutaxassislarining birgalikdagi faoliyatini amalga oshirishda quyidagi tamoyillarga asoslaniladi:

— integratsiyalash bu nuqsonli bolani reabilitatsiyalash va rivojlantirish uchun eng samarali yo'l ekanligi;

— mutaxassislar malakasini doimiy ravishda har tomonlama rivojlantirib borishlari;

— ish faoliyatida o'z hamkasb

## INKLUZIV TA'LIM:

### u qanday tashkil qilinadi?

**Qizaloq hali kichkina, endigina 4 yoshga to'ldi. U chizayotgan rasmlar, rangli qog'ozlardan yasayotgan turli o'yinchoqlarni ko'rib, zavqingiz keladi. Mittigina vujudning yuragida shunchalar katta olam yashayotganidan hayratga tushasiz va beixtiyor uning iste'dodiga tahsin aytgiz, u bilan suhbatlashgiz keladi. Biroq qizcha to'liq gapira olmaydi. Farzandidagi qobiliyat va qiziqish ota-onasining e'tiboridan chetda qolmagan bo'lsa-da, undagi fiziologik nuqson sabab maktabgacha ta'lim muassasasiga berishmagan ekan. Bundan xabar topgan muassasa rahbari esa ota-onaga inkluziv ta'lim haqida tushuncha berdi. Ota-ona o'ylay-o'ylay qizaloqni yetaklab, maktabgacha ta'lim maskani tomon yo'l olishdi. Endi qizaloq shu yerda o'z tengdoshlari orasida ta'lim-tarbiya oladi.**

hamkoriga nisbatan yuqori darajada hurmat bilan qarashi, uni qo'llab-quvvatlashi va ko'maklashishi;

— hamkorlik faoliyati natijalarining samarali bo'lishiga ishonishi;

— har bir mutaxassis hamkorning aniq vazifalarini belgilashi;

— bolaga ta'sir etishda o'zaro qo'llaniladigan usullar almashib borish tamoyili va boshqalar.

Integratsiyalashgan maktabgacha ta'lim muassasalarining jamoasi bir butun guruhni tashkil etadi. Uning tarkibiy qismi quyidagi uchta guruhlardan iborat: maktabgacha ta'lim muassasasi mutaxassislari, maslahatchi mutaxassislar va ma'muriyat.

Pedagogik jamoada tarbiyachi-pedagog, logoped, defektolog (surdapedagog, tiflopedagog, oligofrenopedagog), musiqa va jismoniy tarbiya yo'riqchisi, kuzatuvchi-yordamchi pedagog-defektologlarning bo'lishi maqsadga muvofiq. Jarayonga ota-onalarni ham jalb etish bolaning jamoaga moslashuviga katta ahamiyatga ega.

### Jarayon



Har yilning boshida maktabgacha ta'lim muassasasi ma'muriyati tomonidan ularning aniq vazifasi va o'zaro hamkorlik faoliyatining mazmuni hamda yo'nalishi belgilab olinadi. Masalan, logoped bolalarning nutqini frontal mashg'ulotlarda rivojlantirish, individual mashg'ulotlarda nutqidagi nuqsonlarni bartaraf etish ishlarini olib boradi. Bolalardagi nuqson turiga ko'ra har bir defektolog nuqsonni

korreksiyalash va bartaraf etish, tarbiyaviy-talimiy ishlarni olib borish vazifalarini o'taydi.

Psixolog bolalar ruhiyatini o'rganadi, undagi chegaralanish yoki buzilishlarni, orqada qolish sabablarini aniqlaydi, emotsional, his-tuyg'ulariga ijobiy ta'sir etish, o'zaro do'stona munosabat muhitini shakllantirish va rivojlantirish ishlarini amalga oshiradi. Bolalarning maktabga tayyorgarligini tekshiradi, ota-onalarga maslahatlar beradi, oila terapiyasini olib boradi. Bolalar bilan yakka tartibda mashg'ulotlar tashkil etadi. Doimiy ravishda o'z faoliyati doirasida barcha mutaxassislarga

maslahatlar berib, psixologik yordam ko'rsatadi.

Tibbiy-psixo-pedagogik komissiya yordamga muhtoj bolaning jamoada faolligini o'stirishga yo'naltirilgan maslahatlar berishi kerak. Yondashuvning kompleksligi bola bilan ishlayotgan mutaxassislar jamoasi bilan belgilanadi. Abilitatsion-adaptatsion jarayon yo'lida mashg'ulotlarning turli xil shakllari qo'llaniladi (yakka, kichik guruhlarda). Muassasa hayotidagi barcha jarayonlar(sayohat, ovqatlanish, o'yin)ni bolalar birgalikda o'tkazadilar. Inkluziv muassasada art-terapiyaning turli shakllari keng qo'llaniladi: musiqa-terapiya, harakat terapiyasi, tasviriy ijodiyot terapiya, o'yin terapiyasi. O'tilayotgan barcha mashg'ulotlarning maqsadi — bolaning jamoaviy faolligini oshirish, o'zaro muloqotda ijobiy tajriba orttirishga ta'sir ko'rsatishdir.

Imkoniyati cheklangan bolalar, asosan, maxsus maktabgacha ta'lim muassasalariga jalb qilinsa-da, bugun respublikamizdagi ayrim maktabgacha ta'lim muassasalarida inkluziv guruhlar faoliyati ham yo'lga qo'yilmoqda. Uning asosiy maqsadi imkoniyati cheklangan bolalarni ommaviy bolalarga moslashtirib, ta'lim berishdan iborat.

**Integratsiyalashgan maktabgacha ta'lim muassasalarida mashg'ulotlari imkoniyati cheklangan bolalarning jamiyatga moslashuvini oshirish, nuqsonlarni korreksiyalash va bartaraf etish, aqliy va ruhiy rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatish, individual-psixologik hamda shaxs xususiyatlarini shakllantirish va maktab ta'limiga tayyorlash uchun xizmat qiladi.**

Bashorat OTAJONOVA  
yozib oldi.

# ДАРВОЗАБОН = «ЯРИМ ЖАМОА»

## 6-дарс

**Футбол — жамоавий ўйин. Аммо баъзан майдонда ҳаракатланаётган ўн нафар ўйинчи бир ёқда қолиб, асосий юмуш дарвозабон зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам аксарият мутахассислар уни «ярим жамоа»га тенглаштиради. Табиийки, маҳоратли дарвозабон бўлиш учун тинимсиз машғулотларда тобланиш зарур.**

## Sport saboqlari



Мураббий:  
Турсунбой  
АБДУРАИМОВ

Шунинг учун дарвозабонга бағишлаб иккита дарс ўтказишга қарор қилдик. Футболнинг мазкур амплуасида ўйновчи вакиллари одатда бўйчан, бакувват ва жуда тезкорлиги (реакцияси) жиҳатдан ажралиб туриши лозим. Болалар футбол мактабларига қабул қилинаётганда, албатта, мана шу жиҳатлар ҳисобга олинади.


Машғулотлар вақтида кўпроқ эътиборни турли вазиятларда тўпни ушлаб олишга қаратиш мақсадга мувофиқ. Шу bois қўл панжаларини мустаҳкам шакллантирувчи машқларни бажариш талаб этилади. Бугунги дарсда дарвозабоннинг тўпни ушлаб олиши, тўпни отиб ёки тепиб шеригига узатиши ва шу тариха хавфини бар тараф этиши йўсинлари хусусида суҳбатлашамиз.

**Тўпни ушлаб олиш.** Юқоридан келаётган тўпни қийинчиликларсиз тутиб олишни ўрганишимиз даркор. Дарвозабон тўпга жойидан туриб отилиши ёки жойини (олдинга, орқага, чап ва ўнг томонларга) ўзгартириб, илиб олиши мумкин. Аммо дарвоза дахлсизлигини таъминлаш биргина шу йўсинда амалга ошмайди. Бунинг учун куйидаги усулларни синчиклаб ўзлаштириш даркор.

**1. Юқоридан учиб келаётган тўпни сакраган ҳолда илиб олиш усули.** Қачонки дарвозабон тўп пастлаётган нуқтада тўғри турган бўлса, уни сакраб ушлаб олиш имконига эга бўлади. У кафтлари очилган тарзда қўлларини баянда кўтариб, тўпга пешвоз чиқади. Бунда бирламчи диққат тўпни охиралик билан маҳкам тутиб олишга қаратилиши керак. Унутмангки, қанча юқори сакрасангиз, тўпни тутиб олишингиз шунча ишонарли бўлади. Ҳаво-


да тўпни илиб олгач, зудлик билан кўкрак қисмингизга маҳкам қисиб олинг, шунда хавф буткул ортда қолади (1-расм).

**2. Дарвозабон турган ҳолатга нисбатан ўнг ёки чап тарафдан юқорилаб йўналтирилган тўпни илиб олиш усули.** Тўп юқоридан учиб келаяпти. Аммо у пастлайдиган нуқтада рақиб ўйинчиси турибди, демак, дарвозабон ён томонига сакрашга мажбур. Чунки бир неча сониялар ичида рақиб вазиятни ўз томонига ҳал қилиши мумкин. Шунинг учун мазкур ҳолни мураккаб сейвлардан бири дейиш мумкин. Ён томондан келаётган тўпни сакраб, қўл билан тутиб олишни фақатгина маҳорат ошириб, бир неча мусобақаларда тажриба орттирилгач, амалга оширган маъқул.



Лекин аксарият ҳолларда дарвозабон икки қўлини муштлаган ҳолда, бир-бирига бириктириб, тезкорлик билан сакраб, тўпни уриб, жарима майдончаси ичидан чиқариб юборишни маъқул кўради (2-расм).

**3. Кўкрак томон аниқ йўналган кучли зарбани илиб олиш усули.** Ўйин мобайнида бундай зарбаларни голкиперлар тез-тез бартараф этишади. Тўп учиб келаётган чизикқа тўғри туриб олиш, коптокнинг қанчалик юқорилигини чамалаб, охира сакраш ҳамда гавда ҳолатини тўп қорин бўшлиғига келиб урилишига (дарвозабон кийимининг кўкрак ва қорин қисмига алоҳида ҳимоя қатлами тикилади) мўлжаллаш керак. Шунда ҳар қандай тезликда келаётган тўпнинг қўлдан чиқиб кетиши олди олинади. Аммо доим ҳам тўп бир чизик бўйлаб йўналтирилмайди, айрим зарбалар буралиб — йўналишидан оғиб келади, дарвозабон ана шу вазиятларни ҳам инobatга олиши лозим. Тўпдан юқори ёки пастроқ сакраб қўйса, уни барибир зудлик билан кўкрак қисмига маҳкам босиб олиш лозим (3-расм).




**4. Пастлаб йўналтирилган тўпни ушлаб олиш усули.** Гавда (бел ҳамда тизза) тўп баландлигига мослаб эгилади. Тирсақлар 90 даража бурчак остида букилиб, кафт ва бармоқларни олдинга, тўғрига ёзиб очган ҳолда тўп тутиб олинади. Бу пайтда кафтлар орасини коптокнинг диаметрига мослаб очиш ва тезкорлик билан уни қорин бўшлиғига «яшириш» лозим (4-расм).

**5. Юмалаб келаётган тўпни ушлаб олиш усули.** Одатда ҳужумчилар томонидан ерга пастлаб берилувчи зарбалар кўплаб бўйдор дарвозабонларга ноқулайлик туғдиради. Бундай ҳоллар-




да икки оёқ орасини тўп келаётган чизикқа тўпта тўғри мослаб, хиёл ора-ларини очиш ва белни эгиб, тўп оёқ панжалари устига чиқмасидан, аста ушлаб олиш ва гавдани кўтариш билан бир вақтда тўпни қорин бўшлиғига босиб лозим (5-расм).

**6. Юмалаб келаётган тўпни ётиб ушлаб олиш усули.** Агар зарба ён томонингиздан кучли тарзда пастлаб берилган ва унинг чизигига мослашиб олишга кўзингиз етмаса, турган жойингиздан ўша тарафга гавдангизни таш-



лаб (дарвозабон кийимининг елка қисмига ҳам ҳимоя қатлами тикилади) йиқиласиз. Қўлларингизни олдинга чўзиб, тўпни кафт билан охира, лекин маҳкам ушлайсиз, унча гавдангиз чим устида сир-ланиб, копток ўз-ўзидан кўкрак қисмингиз қарши-сида пайдо бўлади (6-расм).



**Юқорида тилга олинган ҳолатлар дарвозабон ўйин мобайнида кўпроқ дуч келиши мумкин бўлган вазиятлардир. Уларни мураббий ёрдамида ва бошқа бир дарвозабон билан биргаликда қайта-қайта такрорлаш ва мустаҳкамлаб олиш керак.**

Навбатдаги дарсда ана шу усулларни муваффақиятли амалга ошириш учун қандай машқларни бажариш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

(Давоми бор.)

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

Ерга йиқилгач, кўтарилиш учун коптокни бир қўл билан кўкракка маҳкам босиб, бир қўлга таяниб туриш керак.

Дарвозабонга жарима майдончаси ичида кўпчилик ҳалақит қилса ёки тўп кучли зарба ҳаддан ташқари юқоридан келаётган вақтда ўнг қўлни юқорига кўтарганча сакраб коптокни мушт билан уриб юбориш керак. Агар



голкипер тўпни ушлаб ололса, олдинга 2-3 қадам ташлаб зарб билан тепиб, уни қайта ўйинга киритиши талаб этилади.

Тўпни узокқа аниқ тарзда улоқтириш учун дарвозабон қафтида коптокни ушлаб, бор кучи билан юқорилатиб отади. Агар шериги дарвозабонга яқинроқ ва хавфдан холироқ турган бўлса, тўпни пастлаб (ерда юмалаб) отади.



Коптокни қўлда отиб, шеригига узатишнинг ҳар иккала ҳолатида ҳам дарвозабон масофани чамалаб, шунга яраша куч ишлатгани маъқул. Чунки тўп ортиқча куч билан отилса, уни қабул қилиб олаётган футболчига ноқулайлик туғдириши мумкин. Кам куч билан отилса, шериги тўпга етиб келолмаслиги ва рақиб бундай хатоликдан унумли фойдаланиб қолиши ҳеч гап эмас.



## НАВБАТДАГИ

### «ЖЧ—2010» ЯКУНЛАНДИ

**16—17 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионати ўз якунига етди.**

«Талькатора» спорт мажмуасида юксак савияда ташкиллаштирилган нуфузли биринчиликда қирққа яқин мамлакатдан иқтидорли полвонлар иштирок этишди. Қувонарлиси, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари мазкур масъулиятли чемпионатда ҳам юрт шарафини муносиб ҳимоя қилишди.



Ҳаммаси бўлиб 17 вазн тоифасида ўтказилган кураш баҳслари муросасизлиги ва кескинлиги билан муҳлису мутахассислар эътиборини банд қилди. Жумладан, Шаҳбоз Саидмуродов 66 кг.гача бўлган вазн тоифасида, Шўхрат Тўрабоев эса 100 кг.гача бўлган вазнда барча рақибларининг курагини ерга теккизишга муваффақ бўлди.

— Ўзимизнинг кураш дунёга бўйлаётганидан фахру ифтихорга тўлмаган, қувонмаган ватандошимиз йўқ, — деди ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Шаҳбоз Саидмуродов. — Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан миллий курашимиз шон-шўхрати қайтадан тикланди. Дехлида қўлга киритган галабам ўзим, устозларим ва оила аъзоларим учун кириб келаётган Янги йилга муносиб совға бўлди.

Қизларимиз жамоаси ҳам фаол қатнашди. 63 килограммгача вазн тоифасида мусобақадан-мусобақага маҳоратини ошириб бораётган Хуррида Чориева кумуш медаль соҳибаси бўлди. Ўзининг ажойиб ютуқлари билан аста-секин диққатни тортаётган полвон қиз Дилфуза Темирова ҳам 78 кг. вазн тоифасида шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой эгаллади.

Барчинойнинг авлодлари бу билан чекланишгани йўқ, албатта. Феруза Султонова (48 кг.), Дилдора Мейликулова (52 кг.), Гулҳаё Пармонова (57 кг.), Дилдора Ҳалимова (57 кг.) ҳамда Нодира Ҳамроева (70 кг.)га биров омад етишмади ва бронза медаль билан қийофланишди. Шунингдек, ўғил болалар ўртасида ўтган беллашуларда вакилларимиз — Малик Жўраев (73 кг.), Рифат Шаропов (81 кг.) ва Урол Тўраев (81 кг.) ҳам биттадан бронза медални қўлга киритди.

Шундай қилиб, қизиқарли баҳслар якуний натижасига кўра, ёш спортчиларимиз терма жамоаси умумгазнасига жами ўн иккита: 2та олтин, 2та кумуш ва 8та бронза медални тўхта этишди.

## ГУАНЖОУДАН ОЛТИТА МЕДАЛЬ

**Юртдошларимиз Гуанжоу шаҳрида нихоясига етган X Осиё Паралимпия ўйинларини якунлаб, қайтиб келишди. Унда 30 нафарга яқин спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди.**

Енгил атлетикачи Алишер Усмонов умумжамоа ҳисобидаги ягона олтин медаль соҳибига айланди. У 800 метрга югуриш мусобақасида барча рақибларини ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

Енгил атлетиканинг ядро улоқтириш бўйича кечган баҳсларида Ҳусниддин Норбеков 2-ўринни забт этди ва кумуш медаль соҳиб бўлди. Кейинги кумуш медаль 73 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан дзюдочимиз Шариф Холиқов номига ёзилди.

Дзюдо бўйича кечган курашларда 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида баҳсга киришган Ҳасан Қосимов бронза медалга эришди. Қолган иккита бронза медаль ҳам енгил атлетикачиларимиз томонидан қўлга киритилди. Дониёр Солиев узунликка сакраш ботида бронза медаль соҳиб бўлди. Эстафетачиларимиз эса 100 метрга югуриш ботида 3-ўринни олишди.

Шу зайдда паралимпиячиларимиз жами бта: 1та олтин, 3та кумуш ва 2та бронза медаль эвазига умумжамоа ҳисобида 18-ўринда қайд этилди.

МУХБИРИМИЗ

## СПОРТ ДЎСТЛИККА ЧОРЛАЙДИ

**Республика Таълим маркази ва «Спэшл Олимпикс» ташкилоти ташаббуси билан Миробод туманидаги 57-маҳсус мактабда имконияти чекланган ўқувчилар ўртасида баскетбол бўйича мусобақа ташкил этилди.**

Тадбирнинг самарали ўтишини таъминлаш мақсадида мактаб раҳбарияти ва жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан илм масканининг спорт заллари ўзaro гуруҳлари ўзаро беллашдилар.

### Tadbir

Якуний натижаларга кўра, 1-зали байрамона безатилди.

Қатнашчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида ташкиллашти-

рилган мазкур спорт мусобақасида пойтахтимиздаги маҳсус мактабларнинг ўғил ва қизлар гуруҳлари ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, 1-зали байрамона безатилди.

Қатнашчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида ташкиллашти-

рилган мазкур спорт мусобақасида пойтахтимиздаги маҳсус мактабларнинг ўғил ва қизлар гуруҳлари ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, 1-зали байрамона безатилди.

Қатнашчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида ташкиллашти-

Миробод туман халқ таълими бўлими ва туман қасаба уюшмаси бирлашган кўмитаси жамоалари 328-мактаб раҳбари Феруза Газитуровага турмуш ўртоғи


Фурқат ГАЗИТУРОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Анвар ҚОБИЛОВ

Мухтарам муштарий, албатта, газетамиз саҳифаларидан ўрин олаётган барча руклар Сизни жамиятимиздаги етакчи, хусусан, маданий, маърифий соҳада рўй бераётган воқеликлар, янгиликлардан воқиф этишга йўналтирилган. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, «Kutubxona» рукни остида бу гал Фафур Фулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳарририяти тавсия этган ва яқиндагина чоп этилган китобларнинг мазмун-моҳияти хусусида қисқача тўхталиб ўтишни ният қилдик. Умиг қиламизки, бу нашрлар сизнинг эътиборингиздан четда қолмайди ва кутубхонангизни бойитиб, маънавий ҳамфикрингиз бўлади.



## ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ



Маълумки, ўзбек шеърятининг бетакрор намоёндаларидан бири Зулфияxonим номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши кўплаб истеъдодли қизларни кашф этиш,

уларни рағбатлантириб бориш имкониятини берди. «Зулфияxonим издошлари» туркумида ёш қаламкашларнинг китоблари чоп этилаётгани ҳам эзгу ишлардандир. Туркумдан шеърят ихлосмандлари орасида аллақачон ўз мухлисларини топа олган Гулжамол Асқарованинг «Турналар йўли» китоби ҳам ўрин олган. Самимий сатрлар Юлдуз Файзийнинг «Мен кутган баҳор», Гулбаҳор Қобулованинг «Бир ишқ яшар қалбимда» тўпламларидаги шеърларга ҳам жо бўлган. Кумар Бегниязованинг ҳикоялари эса «Ёмғирлар» китобчасига жамланган.

## АДИБ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

«Шукур Холмирзаев оламдан ўтибди. У кишини қабристон томонга олиб кетаётганларида, югура-югура етиб олдим. Шукур...».



ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ  
ЗАМОНДОШЛАРИ  
ХОТИРАСИДА

Кўзларида мунг, итироб билан таҳририятга кириб келган иқтидорли укаларимиздан бирининг бу самимий муҳаббатини кўриб, тўғриси, Шукур акага жуда-жуда ҳавасим келганди, ўшанда. Бу ёзувчининг нафақат ижодкор, балки инсон, устоз сифатида қалблардан жой ола билганини кўрсатиб турарди.

Шукур Холмирзаев ўз ибораси билан айтганда, «Оламда шундай ҳақиқатлар борки, жумладан, яхшилигу ёмонлик, нодонлигу жоҳиллик, раҳм-шафқату буларнинг акси... Бу таъомилларга нисбатан ҳар хил эмас, бир хил фикр, бир хил кўзқараш бўлиши

керак» дея яшайди. «Мен истайман, ҳамма рост гапирса, нафсдан ўзини устун қўйса. Шунинг замирида маънавий ят ётибди», дея ёзган эди адиб ўз битикларининг бирида.

Матбаа ижодий уйи томонидан «Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида» китобининг чоп этилиши ана шундай ҳақиқатлар билан китобхонни яна бир бор юзлаштиради.

## «ТИНМАЙ ИЗЛАН, ЮРАГИМ»

**Халқ бирлиги онг билан,  
Келдинг хуш оҳанг билан.  
Отдинг кутлуг тонг билан  
Истиқлол.**

**Буюк мустақилликсан,  
Қадрият, аҳилликсан.  
Эркин, тоза дилликсан  
Истиқлол.**

Бу сатрлар шоир Қамбар Отанинг яқинда нашрдан чиққан «Тинмай излан, юрагим» китобидан ўрин олган. Албатта, биз муаллифнинг сермахсул ва серқирра ижоди билан яхши танишмиз. Шоирнинг ўттизга яқин китоблари кўплаб адабиёт ихлосмандлари қалбига Ватанга садоқат, ота-онага муҳаббат, табиатга онгли

муносабатда бўлиш ҳисларини сингдириб келмоқда.

Қамбар Отанинг мазкур тўпламига ҳам болаларнинг беғубор оламини бадий инкишоф этувчи энг сара асарлари дасталанган.

Китобчанинг муқовасида акс этган бепоён далалар, олис тоғлар ортидан жилмайиб чиқиб келаётган кўёш, қизалоқнинг қўлларидаги лолалар, болакайнинг юрагидаги шахднинг кўзларида акс этиши тасвирларининг ўзиёқ шоир жўшиб куйлаганини билдиради.

**Қалбларда кўп орзу-армон,  
Яшнагин, деб алвон-алвон,  
Тер тўкамиз**

**маржон-маржон,  
Меҳрибоним Ўзбекистон,  
— дея Ватанга ўз муҳаббатини,**



изоҳлаб турибди, гўё. Аслида шеърятнинг, санъатнинг бош мақсади ҳам ана шунда!

## КЎЧАМИЗНИНГ БОЛАЛАРИ



Кўча бошидаги тунука томли уй — Дурдоналарники. Ховлилари

ҳам яқинда таъмирланган. Усталар кетишдию, кўшнилари қизалоқнинг овозини эшитадиган бўлиб қолишди. У кейинги пайтда йиғлайдиган одат чиқариб олган. Коптоғи узоққа думалаб кетса ҳам йиғлайди. Оғзидаги попуғи тез эриб кетса ҳам йиғлайди...

Азиз газетхон, қизча нега бундай «янги хунар» чиқариб олгани, умуман, бола-

ларда учраб турадиган бу каби ҳолатларнинг илдизи қаерда экани сизни ҳам қизиқтирса керак. Чунки фарзанд тарбиясида бундайин билимлар, кузатишлар муҳим аҳамият касб этади. Яйра Саъдуллаеванинг «Кўчамизнинг болалари» номли китобчасини ўқисангиз, эҳтимол кўнглингизни безовта қилиб келаётган саволларга жавоб

топгандек бўларсиз.

Болалар олами, уларнинг интилишлари, беғубор ҳис-туйғулари билан ошно бўлган муаллиф мазкур тўпламида ҳам Шириной, Давронбек, Антикахон, Мирзавой сингари қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-хаёллари, оддий ва оддий муносабатлари орқали биз катталар эътибор қаратишимиз жоиз бўлган

жиҳатларни очиб беришга уринади.

«...Болаларнинг табиати жуда қизиқ бўларкан. Бири йиғласа, бири куларкан. Бири сахий бўлса, бошқаси қизганчиқ бўларкан. Хуллас бундай экан, ундай экан...» дея ёзади муаллиф китобчасига сўзбоши ўрнида. Лекин қандай хислатларини намоеён этмасин, улар ўз

номи билан бола. Боланинг ёмони бўлмайди. Уларни тарбиялаш, тўғри йўл кўрсатишда эса бадий адабиётнинг ўрни бениҳоя. Яйра Саъдуллаеванинг бу янги китобга жамланган митти ҳикоялари эса бу борада катталарга кўмакчи, дилбандларимизга ажойиб совға сифатида янги йил арафасида хонадонингиз кутубхонасидан жой олса арзигулик.

Саҳифа материалларини  
Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

### Ma'rifat

#### ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта maxsus ta'lim  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим ва fan xodimlari  
kasaba uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

Бosh muharrirning birinchi o'rinbosari:  
Bahodir JOVLIYEV.

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-  
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,  
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),  
Mahmuda MURZAYEVA, Husan  
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
Abdusamat RAHIMOV (bosh muharrir),  
Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
"Учитель Узбекистана"), Aleksey  
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-  
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
№ 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-1122.  
Tirajl 26533.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Nargiza IBROHIMOVA.

Navbatchi:  
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan  
materiallar muallifga qaytarilmaydi.  
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rt  
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,  
oliy va o'rtta maxsus, kash-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi  
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti  
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan  
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,  
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,  
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Taron»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 22.45  
UzA yuquni — 21.00